Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 30 ноябрь, сешанба № 228—229 (21.580). Сотувда эркин нархда.

«КЕЛАЖАКНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ЯРАТИШИМИЗ КЕРАК»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигига расмий-амалий сафари якунларига доир

Инглиз ёзувчиси Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо» романини илк бор ўқиб чиққаним кечагидай ёдимда. Бу асар инсоннинг беқиёс иродасини, мардона куч-қудратини намойиш этади. Қаҳрамон битта уруғдан буғдойзор, битта туёқдан егулик-ичкилик, ёввойисифат кимсадан дўст яратади. Ёввойи табиат қўйнида ёлғиз қолсада, сабр-бардош, чидам кўрсатиб, сезги-сезим ақлу хуш билан омон қолади ва ниҳоят, яна жамиятга қайтади.

Турган гапки, бугунги Ўзбекистон Робинзон Крузо тақдир тақозоси ила тушиб қолган қора ўрмон эмас. Унда инсон учун, халқ учун асрлар оша шаклланиб келган шарт-шароит, ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Лекин гап ана шу мавжуд асослардан оқилона, фойдаланишда қолган. Дунёга бор бўй-басти билан ростмана чиқишда, инсониятга ўзлиги билан қўшилишида, чинакамига фаровон ҳаёт кечиришда қолган. Бизнинг фикри ожизимизча, Президент Каримов ана шундай мушоҳадалар бонс тинимсиз саъй-ҳаракат қилмоқда.



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор рафиқалари билан. Анвар ИЛЁСОВ олган сурат.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги мустақил Ўзбекистон Президенти сафарга борган ўн олтинчи мамлакат. Икки йил нари-берисида шундай муқёсларни забт этишнинг ўзи бўлмаслиги сал-пал фикрловчи ҳар бир одамга аён. Ва яна шуни таъкидлаб ўтишни истардикки, қилни қирқ ёрган, ҳар бир нарсадан нуқул фойда кўришни кўзлаган турфа хил давлат раҳбарлари билан очиқчасига гаплашиш, музокаралар олиб бориш театр саҳнасида қўғирчоқ ўйнатиш ҳам эмас. Сеҳрли диёрларга қадам қўйиш жаннатмонанд боғларда сайр-томоша ёки мовий денгизларда фараҳбахш кезишлар дея тушунганлар ҳам катта хато қилишади.

Маълумки, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия сафари олдидан Ўзбекистон Президенти Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Вильфрид Тальвицни қабул қилган эди. Ўз навбатида сўнг Тальвиц Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби йўллади ва унда баъзи истакларини ҳам баён этди: «Жаҳон банки иқлоҳот йўллари собиқ Совет Иттифоқи республикалари ўртасида, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий андозалари хусусиятига ҳамда ташқи ресурслар зарурати масаласига бўлган талабга асосан бир-биридан фарқ қилишини эътироф этади. Биз Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида узоқ муддатли муносабатлар боғланишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Бу — Сизнинг молиявий сармоялар бўйича эҳтиёжингизга ва ҳукумат ўтказаётган ислоҳотлар дастурига кўмак берувчи тўловлар нисбатини тезда ўзини қоплайдиган маблағ билан таъминлашга мос тушган бўлур эди».

Президент Каримовнинг 23 ноябрь куни «Ротшильд энд Санз ЛТД» банки раҳбарияти ва ишбилармонлари билан мулоқоти юқорида баён қилинган истакларга хосу мос келди. «Ротшильд энд Санз ЛТД» — Буюк Британиядаги 20 та йирик ва етакчи банклар сафидан жой олган хусусий банкдир. 1798 йилда ташкил топган. Банк раиси сэр Эвелин де Ротшильд. Унинг асосий фаолият соҳалари банк иши, хазинадорлик ва корпоратив молиялашувни қамрайди. Бу банк қимматбаҳо металлар билан операция қилиш бўйича халқаро банклар ичида пешқадамдир.

Президент Каримов банкирлар билан суҳбатда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумҳуриятимизнинг иқтисодий имкониятлари, табиий бойликлари, муаммоларию келажакдаги вазифаларига тўхталди. Чунки бу зарурат: токи бу корчалонлар мустақил Ўзбекистон тўғрисида тўлиқроқ маълумот олсин. «Сизлар, — деди Президент, — ё Ўзбекистон ҳақида ростдан ҳам ҳеч нарса билмайсизлар ёки жуда эҳтиёткор одамларсиз... Марказингиз нега жуда суст фаолият кўрсатяпти? Бизда қанча-қанча олтин кўкрагини захга бериб ётибди...». Бу лутфга банк вакиллари шўхшан хайриҳоҳлик билдириб кулишди. Орадан парда кўтарилди. Савол-жавоблар бошланиб кетди.

Албатта, инглизлар ва айниқса, унинг ишбилармон вакиллари Марказий Осиё ҳақида, Амир Темур юрти тўғрисида билмаслиги мумкин эмас. Жаҳон афкор оммаси орасида бир омади гап юради: «Қаерда петрол — нефть ва олтин заҳираси бўлса, ўша ерда британияликлар америкаликлар ҳозиру нозир». «...Эҳтиёткор одамларсиз», — деган дангал гап билан Президент Каримов банкирларнинг қулфи дилини очиб юборди. Илк самара юз кўрсатди: суҳбат сўнггида банкнинг эксперт маблағини таъминлаш директори Роберт Скаллон яқин ойлар ичида Ўзбекистонга сафар қилиб, расмий шахслар билан иш доирасида муҳокама қилиш истагини билдирди.

Навбатдаги учрашув Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг раҳбарлари, йирик вакиллари, етакчи ишбилармонлари билан бўлиб ўтди.

Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки 1990 йилнинг бошида Франция Президенти Ф. Миттеран ташаббусига кўра ташкил этилиб, унинг штаб-квартираси Лондонда жойлашган. Банк фаолиятидан кўзда тутилган мақсад уни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга биноан бозор муносабатларини кўзда тутган очиқ иқтисодиётга ўтишга ёрдам бериш, демократия ва бозор иқтисодиётни тамойилларига содиқ бўлган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида хусусий ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Банк ўз аъзоларига структуравий ва тармоқ иқтисодий ислоҳоти, шу жумладан монополиядан, марказлашувдан ҳоли бўлиш, нодавлат мулкини хусусийлаштириш ишларини амалга оширишда кўмаклашиш орқали шу мамлакатларни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига

(Давоми иккинчи бетда).

АЛЛОМАНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Атоқли файласуф, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Иброҳим Мўминов мамлакатимиз фани ва маданиятини равнақ топтиришга катта ҳисса қўшган аллома, миллатпарвар ва ватанпарвар олим, жасоратли инсон эди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида йирик файласуф олим таваллудининг 85 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов кириш сўзи билан очди.

И. Мўминовнинг Ўзбекистон фани тараққиётига қўшган ҳиссаси мавзуида республика Фанлар академияси вице-президенти И. Искандаров маъруза қилди.

Маълумки, фалсафа муаммоларини илмий тадқиқ этиш, Шарқ ва айниқса, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикр соҳасидаги меросини чуқур ўрганишни ташкил этиш И. Мўминовнинг ижодий фаолиятида етакчи ўрин тутган. Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалоловнинг «И. Мўминов ва унинг фалсафий мактаби» мавзуидаги маърузасида шу ҳақда сўз борди.

Академиклар Ш. Ўразаев, А. Асқаров, М. Хайруллаев, фалсафа фанлари докторлари Н. Ғоипов, С. Шермуҳамедов ва бошқа олимлар ўз маърузаларида Иброҳим Мўминовнинг илм-фаннинг жонкуяр ташкилотчиси сифатида олиб борган катта ишлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Унинг Самарқанд Давлат университети, республика Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ, археология институтлари ҳамда Ўзбекистон Қомусини ташкил этиш ташаббускори бўлганлигини алоҳида таъкидладилар.

Фалсафа, фалсафий фанлар, Ўзбекистон тарихи, хусусан, Амир Темур, темурийлар даври ва бошқа ижтимоий-гуманитар соҳаларга оид бир қатор китоблар, 200 дан ортиқ илмий иш муаллифи И. Мўминов айни вақтда фан ва маданиятимизнинг улкан тарғиботчиси бўлган. Шунингдек, у 100 дан зиёд фан докторлари ва номзодлари тайёрлаган меҳрибон мураббий ва катта устоз ҳамдир. И. Мўминовни яхши билган, у билан бирга ишлаган ва унга замондош бўлган олимлар йиғилишда ўз хотираларини ҳам сўзлаб бердилар.

* * *

29 ноябрь куни Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

О. НАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ёқилғига, энергия манбаларига, техника ва асбоб-ускуналарга харажатлар муттасил ошиб бораётган шароитда республиканинг шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчи ташувчи транспортнинг барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шаҳарда ва шаҳар атрофида қатновчи транспортда йўловчи ташиш тарифлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ 1993 йил 1 декабрдан бошлаб метро, трамвай, троллейбус ва автобусда бир марта юришнинг чекланган тарифи 30 «Сўм-Купон» (ёки рубль) қилиб белгиланди.

Шу йилнинг 1 декабридан бошлаб шаҳар атрофида йўловчи ташиш тарифларининг амалдаги чекланган миқдорлари 2,5 баравар ошади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан аҳолиннинг айрим тоифалари учун йўловчи ташувчи шаҳар транспортида ва шаҳар атрофида қатновчи автомобиль транспортида юриш бўйича ҳозирги вақтда амалда бўлган имтиёзлар сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА ЎЗБЕКБИРЛАШУВ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аста-секин эркин нарх-навога ўтиш тўғрисида 1993 йил 16 июлдаги 360-қарорига мувофиқ иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлини давом эттириш мақсадида ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари республикадан ташқарига ғайриқонуний йўл билан олиб кетилишининг олдини олиш зарурлигини назарда тутиб, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув ва Молия вазирлиги аҳолига белгиланган миқдорда сотиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари шартномавий (эркин) нархларнинг янги даражасини келишиб олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1993 йил 1 декабрдан қуйидаги ўртача чакана нархлар белгиланади:

Гўшт — 1 кг. — 3000 «Сўм-Купон» (ёки рубль),
Сут — литри 200 «Сўм-Купон» (ёки рубль),
Ўсимлик мойи — 1 кг. — 1000 «Сўм-Купон» (ёки рубль),
Қанд-шакар — 1 кг. — 1000 «Сўм-Купон» (ёки рубль),
Чой — 1 кг. — 2000 «Сўм-Купон» (ёки рубль),
Кирсовун — 1 донаси — 100 «Сўм-Купон» (ёки рубль).

1993 йил 1 декабрдан макарон маҳсулотлари белгиланган миқдорда сотиладиган маҳсулотлар рўйхатидан чиқарилиб, аҳолига амалда таркиб топадиган нархларда сотилади.

Янги чакана нархлар озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва бошқа минтақалардан харид қилишнинг амалдаги сарф-харажатларини ўсишини қоплай олмайди. Шу сабабли давлат бундай маҳсулотларни етиштириш ва харид қилишга аввалгидек кўп миқдорда пул ажратмоқда. Масалан, декабрь ойига мўлжалланган ҳисобларга қараганда, гўшт учун ажратиладиган маблағ 9,1 миллиард сўмни, ёғи ажратилмаган сут учун — 2,1 миллиард сўмни, чой учун — 1,6 миллиард сўмни, кирсовун учун — 1 миллиард сўмни ташкил этади.

МДҲ АЙРИМ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ЧАКАНА НАРХЛАР ДАРАЖАСИ

(килограмми рубль ҳисобида)

	гўшт	ўсимлик мойи	қанд-шакар	чой	кирсовун (донаси)
Алмати	3000	3500	2700	8200	350
Ашгабат	3600	840	850	4100	300
Душанбе	7000	1200	1500	3100	260
Бишкек	1400	2740	1000	2600	500
Минск	2500	4580	1880	3500—9000	400
Тошкент	3000	1000	1000	2000	100



● Божхона хизмати

ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан «Иқтисод ва ҳисобот» журнали биргаликда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов асарларига бағишланган божхона хизмати ходимларининг республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси раиси, милиция генерал-майори У. Абдуғаниев, республика Фанлар академияси мухбир аъзоси М. Шарифхўжаев, юридик фанлари доктори, профессор А. Саидов, «Иқтисод ва ҳисобот» — «Экономика и статистика» журналининг бош муҳаррири И. Ҳушев ва бошқалар республика Президенти асарларининг моҳияти ҳамда божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш, давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари, ўтиш босқичида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳақида мулоҳаза юритдилар.

● Янги корхона

«МЕРСЕДЕС» МАШИНАЛАРИ

«Дўстлик» шаҳрида «Мерседес-бенц» машиналари чиқарадиган заводнинг ишга тушишига саноқли кунлар қолди.

Ўтган йили Олмониянинг шу номдаги фирмаси билан республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги концерни ўртасида битим имзоланган эди. Қурилиш учун концернга 3 миллиард 20 миллион сўм имтиёзли қарз берилди. Вилоятдаги бир қанча қурилиш ташкилотлари ёрдамга келди. Ҳозир бу ерда 800 нафардан кўпроқ муҳандис ва ишчи меҳнат қилмоқда. Декабрь ойида дастлабки автомобиллари йиғилади. Кейин қуйиш цехи ишга туширилади. Хуллас мамлакатимизда машҳур машиналар дунёга келмоқда.

● Обуна — 94

ЮЗДАН ОРТИҚ КИШИ ЁЗИЛДИ

Ўзбекистон Олий Кенгаши, республика Вазирлар Маҳкамасининг Қонун ва қарорлари, Президентимиз Фармонлари ҳамда иқтисодиёт, маънавиятга оид турли-туман қизиқарли ҳужжат ва материаллар эълон қилинадиган «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиш давом этмоқда, деб ёзади Қўқон ёғ-мой комбинати раҳбари М. Ғуломов.

Рўзномадаги иқтисодиёт, ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, шунингдек, таниқли санъат усталари билан учрашувлар бизга маъқул келади. Шу боис ишчилар, муҳандис-техник ходимларимиздан 115 нафари рўзноманинг бир йиллигига обуна бўлишди.

● Китоб — офтоб

ШОИР ҲАҚИДА РИСОЛА

«Андижон» нашриёти Заҳриддин Муҳиддиновнинг «Бобур Мирзо» деб номланган рисоласини чоп этди.

Буюк шоир ва саркарданинг ҳаёти ва ижоди босқичма-босқич ёритилган бу китоб рангли суратлар билан безатилган. Рисоладаги маълумотлар ўзбек, рус, инглиз, немис ва араб тилларида берилган.

● Янги корхона

ҚУШКЎПИР ШАКАРИ


Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида қанд заводи қурила бошлади.


Янги корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 6 минг тонна қанд ва 1 минг тонна спирт ишлаб чиқаришга мўлжалланган. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концернининг Хоразм вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси завод қурилиши учун катта миқдорда кредит олди ва бўлажак корхонага етказиб бериладиган ускуналар бўйича шартнома тузди. Бирлашма аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш борасида савобли ишларга қўл урмоқда.

[Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди].

„КЕЛАЖАКНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ЯРАТИШИМИЗ КЕРАК”

(Давоми. Боши биринчи бетда).





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия Бош вазири қароргоҳида.

тезроқ қўшилишига имкон яратади.

Банкнинг биринчи Президенти этиб Франциянинг кўзга кўринган жамоат арбоби Жак Аттали сайланган эди. 1993 йилнинг августидан унинг ўрнини илгари Халқаро валюта фонди бош директори, сўнгра Франция банки президенти лавозимларида ишлаган халқаро молиявий доирада таниқли Жак де Ларозьер эгаллади.

Ўзбекистон мазкур банкка 1992 йил бошида СССРга тегишли бўлган акциялар республикаларга тақсимланганидан сўнг аъзо бўлди. 1992 йилда Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга нисбатан стратегия қабул қилди. У бизнинг банк ва ишбилармонлик тузилмаларимизга маслаҳат бериш борасида анча-мунча ишларни амалга оширди.

Ана шу Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг ҳашаматли залида Президент Ислом Каримов Жак де Ларозьер, бош котиб Барт ле Бланк билан учрашди. Қизғин ва самимий ўтган учрашув аниқ-тиниқ дастур-ҳужжатларни имзолаш билан якунланди.

Вақт зиқ, дастур пешмапеш. Президент Каримов ўз қароргоҳида ҳам тинч турмади. Ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, Ўзбекистон матбуотида, юртбошимизни кўп мақтайверманглар, деган маънода сўз юритилди. Бу ҳақда Президентнинг ўзи ҳам бир неча йиғинларда таъкидлади. Шундайку-я, аммо биз матбуотчиларнинг ҳам ўз вазифамиз, қолаверса, масъулиятли бурчимиз бор: қилинаётган ишни ҳаққоний ёритиш, кўрсатиш, халққа етказиш! Мен бугун ўзим гувоҳ бўлган тадбирлар, мулоқотлар, учрашувларни шарҳлаяпман, холос.

Шу йил сентябрь ойида Тошкентда Халқаро банк конференцияси ўтказилганда «Морган Гренфел» банки вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинганди. Ўшанда «Ўзбекнефтегаз» ва Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси билан музокаралар юритилганди. Ислом Каримов шу куни «Морган Гренфел» директорлар кенгаши раиси Мартин Веббни қабул қилди. Шундан сўнг «Рио Тинто Цинк» компанияси раҳбарлари билан ҳам мулоқот ўтказди. Кечга яқин эса Ташқи ишлар бўйича Давкомпания директори, етакчи мутахассислар билан мулоқот ўтказди.

* * *

Мотоциклчиларнинг фахрий экскорти кузатувида юртбошимиз Букингем саройига ташриф буюрганида юракларимиз ҳаприқди. Сарой олди байрам тусини олганди. Баланд пештоқда Ўзбекистон байроғи ҳилпирарди. Британияликлар ҳайрат билан томоша қилардилар. Шуни айтиш керакки, мезбонлар ҳақли равишда Букингем саройи билан фахрланадилар.

Букингем саройи қиролича Виктория ҳукмронлик қилган даврдан буён Британия қиролларининг қароргоҳи ҳисобланади. Сарой Герцог Букингем уйи ўрнида қурилган бўлиб, 1762 йилда подшоҳ Георг томонидан сотиб олинган. Сарой қурилиши 1825 йилда Георг IV даврида Жон Нэш лойиҳасига кўра бошланган. 1830 йилда Георг IV вафотидан кейин қурилишни Уильям IV давом эттирди, у Жон Нэшни ишдан бўшатиб, ўрнига Эдвард Блорни ёллади, Қурилиш 1830 йилда қиролича Виктория тахтга ўтирганида тугалланди. Шундай қилиб, ўн саккиз яшар Виктория ушбу саройда истиқомат қилган биринчи қиролича-дир. Айни пайтда Букингем саройида Буюк Британия қироличаси Элизабет II яшайди.

Президент Ислом Каримов қиролича Элизабет II зоти олиялари билан учрашиб, икки мамлакат халқларининг ўзаро маънавий-маданий алоқалари ҳақида суҳбатлашди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов қиролича Елизабет II зоти олияларининг улкан портретини кўпдан буён ишлаб юрарди. Қарангки, сурат маромига етиб, уни ҳам Буюк Британияга олиб кетишга тўғри келди. Ва рассомнинг ўзи қиролича портретини Ўзбекистон делегацияси номидан музейга рамзий совға сифатида топширди.

Даунинг Стрит 10. 1735 йилдан буён Британия Бош вазирининг расмий қароргоҳи ва хизмат жойи ҳисобланади. Бу уй сэр Жорж Даунинг томонидан қурилган хусусий уйлар ичида Даунинг Стритдаги сақланиб қолган учта уйдан биттасидир.

Британиянинг кўпчилик Бош вазирлари Роберт Уолпоулдан бошлаб бу уйдан хусусий ва расмий қароргоҳ сифатида фойдаланишган.

Даунинг Стрит 10 нинг 250 йиллиги 1985 йил 4 декабрда нишонланган. Ўшанда байрам зиёфатига Бош вазир томонидан қиролича шунингдек, ўша даврда ҳаёт бўлган барча Британия Бош вазирлари таклиф қилинганди.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигига расмий-амалий сафарнинг асосий воқеаларидан бири куннинг ўртасида ана шу Даунинг Стрит 10 даги қароргоҳда рўй берди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор жаноблари ва бошқа давлат арбоблари кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига давлат мадҳиялари янгради. Қуролли Кучлар вакиллари фахрий қоровул бўлиб турдилар. Президент саф олдидан ўтди. Сўнгра Ислом Каримов ва Жон Мейжор қароргоҳнинг иккинчи қаватида музокараларга киришдилар. Музокаралар самарали якунланди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ҳаво йўлларини очиш ва бир давлат фуқароларининг иккинчи давлат ҳудудида эркин юриши ҳақидаги шартнома, битим ҳамда меморандум имзоланди. Амалга оширилган ишлар кенг доирада юқори баҳоланди. Бу ҳақда Буюк Британия кундалик матбуотда бир қанча мақолалар ёритилиши фикримизга далилдир.

Куннинг иккинчи ярми Президент Ислом Каримовнинг Британия саноати конфедерациясида Буюк Британия ишбилармонлари вакиллари билан учрашувидан бошланди.

Британия саноати конфедерацияси 250 мингдан зиёд компаниядан иборат бўлиб, улар мамлакатда ишга яроқли аҳолининг ярмидан кўпини иш билан таъминлайди. Конфедерацияга Буюк Британиядаги юзлаб йирик компанияларнинг деярли ҳаммаси аъзодирлар.

Конфедерация — партиядан ҳоли мустақил сиёсий ташкилот бўлиб, у фақат саноат ва тижорат компаниялари ва таркибига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, улгуржи ва чакана савдоси, тоғ-кон ишлаб чиқариши, молиявий соҳа ва суғурталарни ўзига олган бизнеснинг барча секторларидан иборатдир. Британия саноат конфедерацияси, шунингдек, 150 савдо ассоциацияси ва уларнинг муассис компанияларини ҳам намоён этади. Британия бизнесининг бош таъминотчиси бўлган бу ташкилотнинг асосий мақсади ҳукумат ва жамоатчиликнинг ижтимоий ишлаб чиқариш муҳимлигини, шунингдек, ишбилармонлар ҳамжамиятининг эҳтиёжлари, ғоялари ва муаммоларини тушунишини таъминлашдир.

Президент Каримов йиғинда нутқ сўзлади. «Лонро» компанияси гуруҳининг ташкилотчи-генерал бошқарувчиси Д. Бокнинг жавоб нутқидан сўнг эса Ўзбекистон Геология давлат қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати «Лонро» ва Халқаро молия корпорациялари билан «Даугизтау» ва «Омонтайтау» олтин конларини ўзлаштириш бўйича «Омонтайтау — Гелдфилз» қўшма корхонаси тузиш ҳақидаги битим имзоланди. Мазкур масканлар ўз таркибида қайта ишлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари юзасидан махсус усулни талаб этувчи олтингугурт ҳамда бошқа моддаларга бой. «Лонро» ўзи эга бўлган олтин қазишнинг дунёда пешқадам ҳисобланган биоксид технологиясини жорий этишни таклиф қилди. Қурилишнинг дастлабки капитал харажати 109 миллион долларни ташкил этиб, унинг 30 миллионини «Лонро» компанияси, 70 миллионини эса Халқаро молия корпорацияси қарз шаклида ажратадиган бўлди. Ўзбекистон томонининг ҳиссаси геологик қидириш ишлари ва қўшма корхонани ишга тушириш харажатларини ташкил этади. Йирик миқёсли технологик тадқиқотлар ўтказиш ва техникавий-иқтисодий жараёнларни расмийлаштириш учун 15 ой, қарзларни расмийлаштиришга уч ой, корхона қурилишига 12 ой кетиши мўлжалланди.

Битим бўйича дастлабки маҳсулот 1996 йилнинг биринчи ярмида олиниши керак. Икки қўшма корхона лойиҳа қувватига эришганда йилига 125—150 миллион доллар ҳажмида маҳсулот тайёрлайди.

Президент Ислом Каримов учрашув сўнггида матбуот конференцияси ўтказди. Унда Буюк Британия ва бошқа чет эл журналистлари қатнашди. Юртбошимиз уларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб берди. Ўзбекистонни журналистларга танитишда бу ерда ҳам асло эринмади. Биладики, уларнинг доимо қулоғи динг, тили узун...

Шу куни кечқурун Буюк Британия савдо ва саноат вазири жаноб М. Хезлтайн рафиқаси билан Қироллик ҳукумати номидан кабул ўтказди.

Сафар чоғининг сўнгги, 25 ноябрь куни эрталаб самолётда Манчестер халқаро аэропортига учиб борилди. Мартабали меҳмон эҳтиром билан кутиб олинди. Сўнг Президент ва делегация аъзолари «Джи Пи Ти» компаниясига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов компания директори Т. Коубб билан учрашди. Ташриф давомида «Джи Пи Ти» фаолияти тақдимоти бўлиб ўтди. Конструкторлик бюроси ва телефон станциялари жамламасини йиғиш цехи билан танишилди

«Джи Пи Ти» —90 йилдан зиёд давр мобайнида электр алоқаларини ривожлантиришда олдинда келаётган Британия компаниясидир. Компания телефон аппаратларидан тортиб, марказий алоқа ва узатиш асбобускуналаригача ишлаб чиқаради.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, Буюк Британияда телефон алоқалари олий даражада йўлга қўйилган. Айтайлик сиз енгил автомобиль ёки юк машинасида кетаяпсиз, хоҳласангиз дунёнинг ҳар қандай нуқтаси билан бир зумда боғланишингиз мумкин! Фақат ўша нуқтада телефонлар ишлаб турса, дасталар узиб олиб кетилмаган бўлса...

Хуллас, сафар чоғидаги сўнгги шаҳар Ливерпулдамиз. Президент Ислом Каримовни Ливерпуль мэри Майкл Блэк ва бошқалар кутиб олди. Муҳтарам юртбошимиз Ливерпуль пахта ассоциациясига шошилди...

Ливерпуль пахта ассоциацияси — жаҳонда тан олинган нотижорат, носавдо ташкилот бўлиб, у фақат пахта хом ашёси ва толаси муаммолари билан шуғулланади. Ассоциация томонидан ишлаб чиқилган савдо қоидалари исталган икки мамлакат ўртасида пахтани олдисотди қилишда қўлланилиши мумкин.

Ливерпуль пахта ассоциациясининг арбитражлик қоидалари пахта сотувчи ва сотиб олувчи аксарият мамлакат қонунчилигига киритилиши мумкин. Ассоциация томонидан рўйхатга олинган фирмалар билан доимий алоқа қилиш ва маслаҳатлашув ёрдамида ассоциация адолатли ва умум эътирофини қозонган савдо тажрибасини сақлаб туришга интилади. Пахта савдосига дахлдор бўлган барча турдаги компаниялардан 58 мамлакатдаги 400 та компания Ливерпуль пахта ассоциациясида рўйхатдан ўтказилган.

Ассоциация фаолияти устидан умумий назорат унинг аъзолари сайлаган Директорлар Кенгаши томонидан амалга оширилади. Директорлар Кенгашига Президент, Вице-Президент, Хазиначи, Экс-президент, директорлар киради.

Ливерпуль пахта ассоциациясининг асосий вазифалари пахта олувчи ва сотувчилар учун бир хилда қўлланиладиган қоида ва маромларни ишлаб чиқиш ва сақлаб туриш, баҳсларни ҳал қилиш учун ягона арбитраж тизимини яратиш, пахта савдоси билан боғлиқ бўлган халқаро муаммоларни муҳокама қилиш учун анжуманлар ўтказиш, пахтани лаборатория тадқиқотларида таҳлил этишдан иборат.

Мўътабар меҳмон шарафига Авлиё саройида Ливерпуль пахта ассоциацияси номидан қабул маросими ўтказилди. Ислом Каримовни Ассоциация президенти жаноб Николас Строинк кутиб олди. Ҳар икки томон нутқ сўзлади. Фикр алмашилди. Иш-хизмат сафари Ислом Каримовнинг фахрий меҳмонлар дафтарига битган қуйидаги дастхати билан хотима топди:

Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам Ўзбекистон ҳақли равишда Ливерпуль Пахта Ассоциациясига аъзо бўлиб кирди.

И. КАРИМОВ (Имзо) 25 ноябрь 1993 йил.

Сафар давомида Лондон шаҳри мэри Лорд Поль Нюолл билан суҳбатлашиш имконияти туғилди. Иқтисод фанлари магистри унвонига эга бу одамнинг ниҳоятда дилкаш ва самимийлиги орадаги пардани кўтариб юборди.

— Биз Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин юртингизга қизиқишимиз ортди, — деди у. — Президентингиз ҳаммамизда юксак таассурот қолдирди. У киши иқтисодчи эканини эшитганимдан кейин янада қизиқишим ортди. Жаноб Каримов менга Ўзбекларнинг миллий тўнини кийгизганида бу лутфдан бениҳоя ҳурсанд бўлдим. Ўзбекистон пойтахти — 2 миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган Тошкент дунёнинг олди шаҳарлари қаторида туради. Эндиликда шаҳарларимиз ўртасида ўзаро алоқани кенг йўлга қўймоқчимиз.

«Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади» деган ҳикматнинг тўғрилигига олис Европа мамлакатида яна бир бор ишондим. Альберт Энштейн номидаги халқаро тинчлик мукофоти лауреати, жаҳон маданияти ва санъати ассоциацияси президенти, шоир Усмон Туркой Буюк Британия фуқароси бўлиб, Лондонда яшашини биламдим. Буни қарангки, у киши Ўзбекистон давлат делегацияси ташрифи ҳақида хабар топиб биз турган жойга етиб келибди. Усмон Туркой билан икки йил муқаддам Туркия заминида танишган эдик. Қадрдонимиз билан гурунгимиз қизиб кетди. Ҳамсуҳбатимиз ўзбеклар бугун инглизлар билан тенгма-тенг музокара юритаётганидан бениҳоя ҳурсандлигини қайта-қайта такрорларди.

— Президентингиз жаҳон ишбилармонларининг эътиборини Ўзбекистонга қаратиб жуда тўғри қилаяпти, — деди у тўлқинланиб. — Чунки бу асрда ҳар қандай давлат, айниқса ёш давлат дунёнинг ривожланган мамлакатлари орттирган тажрибаларни ўрганиши жоиздир. Донишманд Шарқнинг нодир қўлёзмалари Буюк Британия музейлари ва кутубхоналарида сақланишини яхши биламан. Ўтмиши буюк халқнинг келажаги буюк бўлишига ишончим комил. Ахир халқларимизда «Оққан дарё оқмай қолмас» деган гап бор-ку!

Давлат делегацияси ташрифи жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан зўр эътибор билан кузатилди. «Останкино» телевидениесининг Лондондаги мухбири Александр Маликовнинг илтимосига кўра Президентимиз интервью берди.

— Ўзбекистон мустақиллигининг илк давридаёқ қатъий интизом йўлини танлади. Буни ҳар ким турлича баҳолайди. Лекин халқимиз осойишталиги учун барча тадбирларни кўряпмиз. Сафар натижаларига келсак, у жуда самарали ўтди. Имзолаган ҳужжатларимиз мустаҳкам заминга эга. Англиялик ишбилармонлар гуруҳи Тошкентга келиб, ҳамкорлик масалаларини жойнинг ўзида ҳал қилишади. Ўйлайманки, бизни ўрганиш муддати тугади. Биз танлаган йўлни жаҳон афкор оммаси эътироф этишмоқда. Буюк Британия сафари ҳам бунинг исботидир.

Ҳа, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига Ўзбекистон расмий давлат делегациясининг сафари ниҳоясига етди. Президентимизнинг Ливерпуль пахта ассоциациясида Ўзбекистонда соғлом авлод учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтган гаплари дилимда муҳрланиб қолди. «Ўзбеклар болажон халқ, ўйлайманки, инглизлар ҳам болаларни яхши кўришади. Демак, ана шу болаларимиз учун, келажагимиз учун қўлни қўлга, дилни дилга бериб ишлашимиз керак. Бугунни унутмаган ҳолда келажакни ўз қўлларимиз билан яратишимиз керак. Юракларимиз билан яратишимиз керак!»

Ҳикоямиз бошида инглизларнинг адабий қаҳрамони Рабинзо Крузо ва унинг инсоний куч-қудрати, беқиёс иродаси, сабот-матонати ҳақида эслаган эдик. Бунёдкор башариятнинг бир қисми бўлмиш ўзбек халқи ўз келажагини яратиш йўлида чинакам мўъжизалар яратишига асло шубҳа йўқ.

Азим СУЮН.

Тошкент—Лондон — Манчестер — Ливерпуль—Тошкент.



Ливерпуль шаҳри мэри Майкл Блэк билан мулоқот.






Ислом Каримов Буюк Британия Саноат конфедерациясида Англия ишбилармонлар доираси вакиллари билан учрашув пайтида.

Анвар ИЛЕСОВ олган суратлар.



• *Тадбиркорлар бор бўлсин*

ҒАЛЛАОРОЛ ФАҚАТ ҒАЛЛА БЕРМАЙДИ...



Ғаллаорол ўз номи билан ғаллачилик тумани. Шу билан бирга туманда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Чорвачилик, боғдорчилик кенг ривожланган. Бу ерда саноат ҳам ўсиб бормоқда. Буни кейинги йилларда туманда иқтисодий ислоҳотлар жадал ўтказилаётганлиги самараси, дейиш мумкин. Биз туманда амалга оширилаётган янгиликлар, ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳот ва унинг ижобати ҳақида сўзлаб беришни ушбу туман ҳокими Турғунбой Боймуродович УМУРЗОҚОВдан илтимос қилдик.

— Туманимизда бу борада бирмунча ютуқларга эришилди. Аввалambор давлат режаларини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилиняпти. Айрим соҳалар бўйича юксак кўрсаткичлар қўлга киритилди. Чунончи, туманимиз деҳқонлари давлатга режадаги 27500 тонна ўрнига 30770 тонна ғалла топширишди. Хирмонга Амир Темур номли, «Гулистон», «Музбулоқ» ширкат уюшмалари катта ҳисса қўшдилар.

Гапни ғалладан бошлаганлигимнинг сабаби ўзингизга маълум. Туманимиз асосан ғаллачиликка ихтисослашган. Мамлакатимизнинг ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ҳам шу ерда жойлашган. Ғалланинг янги-янги касалликларга чидамли навлари ҳам шу ерда яратилади. Хуллас, эл орасида ҳудудимизни ғаллачилик академияси деювчилар ҳам бор. Қолаверса, ғалла иқтисодий мустақиллик қалқони. Ғалласи мўл давлат ҳеч қачон хор бўлмайди. Шу боис кейинги йилларда лалмикор майдонларга экиладиган ғаллани 1248 гектарга, сувли майдонлардаги ғаллани 1003 гектарга кўпайтирдик. Аммо асосий вазифа майдонларни кенгайтиришдан иборат эмас, балки гектарлар ҳосилдорлигини тобора ошириб бориш.

— Ҳамонки суҳбатимиз иқтисодиёт ҳақида кетар экан, бу масала ташаббускор ва тадбиркор кадрларга боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум. Сизларда ана шундай кадрлар етарлими?

— Кейинги пайтларда мутахассислар тайёрлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойига қўйишга катта эътибор берганмиз. Туманимизнинг 10 нафарга яқин ёшлари хорижий давлатларнинг олий билимгоҳларида таҳсил олаётир. Улар асосан иқтисодчи бўлиб етишадилар.

Биз ўтган йили саноат ва қишлоқ хўжалиги борасидаги режалар бажарилиши якунини ҳокимиятда атрофлича муҳокама қилдик. Шу нарса маълум бўлдики, қаердаки раҳбарлар ҳақиқий ишбилармон бўлмаса, ўша ерда режалар оқсаган. Шу сабабли тумандаги Э. Исмоилов номли, «Соҳибкор» хўжаликлари, Маржонбулоқ тикув-трикотаж фабрикаси, мевани қайта ишлаш ва шаробчилик корхоналарини ташаббускор, изланувчан кадрлар билан мустаҳкамладик. Биргина мисол: Маржонбулоқ тикув-трикотаж фабрикасида ишлаб чиқариш режалари доимий равишда бажарилмай келарди. Ниҳоят, ўтган йилнинг октябрь ойида Б. Акрамов директор қилиб тайинландик. Ташаббускор раҳбар кўпгина янгиликларни ҳаётга жорий қилди. Ҳозир корхона режаларини муттасил ошиғи билан уддаламоқда.

«Бўстон» ширкат хўжалигига эса Файзулла Салоҳиддиновни раҳбар қилиб тайинладик. Шундан сўнг хўжаликдаги ютуқлар кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг 9 ойи ичида хўжалик 68 миллион сўм соф даромад олди. Қишлоқларда яшайдиган аҳолига кўплаб қулайликлар яратилди. 17 километр жойга газ қувурлари ўтказилди. Ичимлик суви билан таъминлаш режаси эса 70 фоизга бажарилди.

— Туманда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фермерларнинг роли қандай? Кичик корхоналар ҳам борми?

— Албатта. Ахир, фермерликни ривожлантирмай туриб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда фермерлар ихтиёрида 1048 бош қорамол, 1445 бош қўй-эчки мавжуд. Ҳозиргача улар 232 тонна сут, 10 тоннадан зиёдроқ гўшт, 2,3 тонна жун топширдилар. 474 гектар ер улар ихтиёрига бериб қўйилган. Бунинг устига уларга ем-хашакдан ёрдам бериб турилибди. Уларнинг ташаббуслари ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу сабабли фермерлар эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлмоқда.

Айтайлик, Амир Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган Ғаффор Турғунов бошлиқ фермер хўжалиги 8,4 гектар ердан мўл ғалла ҳосили кўтарди. У 43 бош қорамолни парваришлаб, ўтган 8 ой ичида давлатга 1 тонна ўрнига 1,8 тонна гўшт, 35 тонна ўрнига 42 тонна сут топширди.

«Ғаллаорол» давлат хўжалигидан Ўрол Усмонов бошлиқ фермер хўжалиги 30 гектар лалми ерга эга. Улар бу йил ҳосилдорликни 12 центнерга етказиб, мўл ҳосил олишди. 19 бош қорамол, 90 бош қўй-эчкини парваришлаб, хўжаликка ҳам кўплаб маҳсулот сотишди.

Бундай тадбиркор фермерлар кўп. Яқин келажакда туман иқтисодиётини ана шулар юқори поғонага кўтаришига ишончим комил.

Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳам кенгайиб бораётир. Айни пайтда улар қўлида 54 минг бошдан зиёд қўй-эчки мавжуд. Томорқалар ҳам кенгаймоқда.

Лекин фақат ердан унумли фойдаланиш, фермерликни ривожлантириш билан иш битмайди. Ҳозирги асосий вазифалардан бири — хом-ашёни кўплаб етиштириш билан бир қаторда, уни жойида қайта ишлашни йўлга қўйишдир. Шундай қилсак, ҳам иқтисодимиз юксалади, ҳам қишлоқлардаги ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этамиз. Бу ўз навбатида халқнинг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Биз шуни назарда тутиб янги қўшма ва кичик корхоналар, фабрикалар қуряпмиз. Мавжудларини эса кенгайтириш, уларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни қўпайтириш йўлидан боряпмиз. Жумладан, ҳозирга келиб туманимизда 83 та кичик корхона фаолият кўрсатяпти. Уларда мингдан зиёд киши иш билан таъминланган. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида тадбиркорлар 380,6 миллион сўм ялпи даромад олишди. Бундай тадбиркорларнинг 14 нафари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш билан шуғулланса, 15 нафари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан банд. Ҳозирча шуларнинг ўзи 80,2 миллион сўм даромад қилишди. Пуллик хизмат кўрсатиш борасида ҳам 9 киши шуғулланаётир. 14 нафар тадбиркор қурилиш материаллари ишлаб чиқариб, жами 127 миллион сўм соф фойда кўрди.

Бундан ташқари, йирик хўжалик, корхона ва ташкилотлар қошида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар қўпайиб бормоқда. Масалан, Э. Исмоилов номли давлат хўжалигида 50 киши, «Ғаллаорол» давлат хўжалигида 21 киши, Амир Темур номли ширкат хўжалигида 15, «Кўкбулоқ» давлат хўжалигида 12 киши турли соҳалар бўйича фаолият кўрсатмоқда. Ана шу кичик корхоналарда 500 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Ўтган йили маҳаллий саноат комбинати давлат тасарруфидан чиқарилиб, «Бўрон» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхонада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 9 фоизга ошиб, жами 1,2 миллион сўмлик буюмлар тайёрланди, 2 миллиард 600 миллион сўмлик савдо хизмати, 140 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

Туман матлубот жамиятида ҳам кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, шиша синиқларидан ҳар хил уй рўзғор идишлари бўлган вазалар, гулдону қадаҳлар ишлаб чиқарилаётир. Яқинда сопол буюмлар цехи ҳам ишга туширилди. Аҳолига кўплаб сопол товоқлар, косаю пиёлалар етказиб берилади. Гиламчилик, тикувчилик цехлари ҳам икки йилдан бери ишлаб турибди.

— Туман истиқболини қандай тасаввур қиласиз? Бу борада нималар қилиш мўлжалланаётир?

— Юртимизнинг обод, халқимизнинг фаровон яшаши учун ривожланган мамлакатларнинг илғор фирмалари билан ҳамкорлик қилишимизни замоннинг ўзи тақозо этяпти. Ҳозиргача Маржонбулоқ олтин бойитиш корхонасини ривожлантириш муҳим масалалардан бири бўлиб келяпти. Маълумки, яқин-яқинларда қимматбаҳо металлар Россия корхоналарида қайта ишланарди. Лекин, бундан на республикамизга, на туманимизга фойда бор эди. Шунинг учун яқинда Американинг етакчи фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиб, чиндидан қимматбаҳо металлни ажратиб олишга киришилди. Бундан ташқари, Сурия республикаси билан ҳамкорликда «Дилшод» қўшма корхонаси ташкил этилди. Энди қурилишда ишлатиладиган карбит, электрод, ғишт ва бошқа маҳсулотлар ўзимизда тайёрланадиган бўлди. Ҳозир қўшма корхона биноси қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Йил охиригача мева ва узумни қайта ишлаш заводида мевани қуритиш цехи ҳамда шаробни шиша идишларга қуйиш цехи ишга туширилади. Бу ерда шампань виноси ҳам чиқарилмоқда. Яқин келажакда шу корхона базасида спирт-ароқ заводи қуриш ҳамда уни тезда ишга тушириш учун ҳаракат кетмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу қурилишга 500 миллион сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилганлиги ҳам бежиз эмас.

Қўйтош вольфрам конида оҳак ишлаб чиқариш, «Чистоль» деб номланган ювиш воситаси, волостанит, гранит каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, такомиллаштириш мақсадида ҳудудимиздаги 50 миллион куб метр сув тўпланган Қоровултепа сув омбори сувини асосан туманимизга етказиб бериш чораларини кўряпмиз. 3 миллион куб метр сув тўпланадиган Сафарсой сув ҳавзаси қурилишини келаси йил режасига киритдик. Агар ушбу эзгу ниятимиз тезроқ амалга ошса, ерлардан йилига икки марта ҳосил олишимиз мумкин.

Хуллас, туманимизда бирмунча ишларни амалга оширдик. Лекин ҳали қилинадиган асосий ишлар олдинда. Зеро, жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов айтганларидек, «Бу азиз Ватан — барчамизники, унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир».

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

• *Ўзбекистон ва Беларусь*

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзаро манфаатли шартлар асосида мустаҳкамланган ҳамкорлик ижтимоий тараққиёт сарчашмаси бўлиб, энг устивор иқтисодий куч ҳисобланади. Қардош республикалар билан ҳамкорлик маиший хизмат ривожида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда маиший хизмат соҳасининг имкониятлари кенгайганлиги натижасида кўп истеъмол қилинадиган моллар ва маиший хизматлар салмоғи муттасил ўсиб бормоқда. Шунингдек, истеъмол қилинадиган моллар ва хизматларнинг ташқи савдо оборотн кенгаяётир. Янги шакл ва имкониятлар мунтазам изланмоқда. МДҲдаги ишбилармон, тадбиркорлар сўнгги пайтда хорижий турли тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга алоҳида аҳамият беришмоқда. Шу туфайли янги хизмат турлари жорий этилмоқда. Халқ истеъмоли молларининг хиллари кўпаймоқда. Бунга икки республика — Ўзбекистон ва Белорусь маиший хизмат ходимлари ўртасида ҳамкорлик мисол бўла олади. Бундан буён Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг Республика уюшмаси ҳамда Белорусь аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг Республика уюшмаси корхоналари хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатишнинг замонавий шакл ва усулларини кенгроқ жорий этишга имкон берадиган, соҳанинг иш самарадорлигини оширишга, моддий-техника базасини ривожлантиришга хизмат қиладиган вазифаларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар. «Ўзмаишийхизмат» уюшмаси билан «Белмаишийхизмат» уюшмаси ҳамкорлик доирасида режалаш, бошқариш, ахборотлар, ҳужжатлар, тажриба, заҳиралар инсон омилларини алмашиш масалалари бўйича умумий тадқиқотлар олиб бориш ташкилотчилари бўлдилар.

Бундай пайтларда ҳамиша бўлганидек, шериклар бир-бирига қўмаклашадилар, бир-бирлари билан тажриба алмашадилар.

Белорусь маиший хизмат соҳаси ходимлари яқинда Ўзбекистондаги ҳамкасблари ҳузурига ташриф буюрдилар. Амалий сафар чоғида кўп масалалар ҳал этилди. Иккала томон қўшма корхоналар, тайёр маҳсулотлар чиқарувчи цехлар ташкил қилишни маъқуллади. Бу — илғор техника ва технологияни ўзлаштирибгина қолмай, балки замонавий савдо бозорини шакллантиришга имкон берди.

Меҳмонлар Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро шаҳарларида, вилоятларда бўлдилар. Корхоналар, юқори малакали усталар, мутахассислар билан танишдилар. Соҳа ходимларининг меҳнат шароитларини ўргандилар, фикр алмашдилар.

Белоруслик меҳмонлар Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ишларни яқинда ишга туширилган Ўзбекистон—Туркия «Шуҳрат» қўшма корхонаси ҳамда «Сарвар» кичик корхонаси иши ҳайратга солди. Тошкент «Маишийпойабзал» ишлаб чиқариш бирлашмаси иш тажрибаси жуда қизиқтирди. Янгийўл шаҳрида меҳмонлар мўйна буюмлар ишлаб чиқарувчи ателье иши билан танишдилар. Шу ателье негизида қўшма корхона ташкил қилишга қарор қилдилар. Олиб борилган барча ишлар якунида ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

— Яна бир нарсага эътиборни қаратмоқчиман, — дейди «Ўзмаишийхизмат» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Б. Эргашев, — Молларни ички бозорида сотишни замонавий, яхши жиҳозланган савдо корхоналарисиз амалга ошириб бўлмайди. Савдо шохобчаларини, хизмат соҳасини кенгайтириш ва уни такомиллаштириш — савдо иши учун замонавий, мақбул шароитларни яратади. Шу боис биргаликда маиший хизмат корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни сотадиган тармоқ фирма дўконларини очишни кўзда тутганмиз.

И. КОГАН.



«Гулшамшод», «Табассум», «Зилола», «Сўғдиёна», «Шарқ фантазияси» — бу шоирона ва гўзал номлар нозик дид билан яратилган сервисларга жуда монанддир. Уларни Қувасой чинни заводининг усталари тайёрлашади. Корхона маҳсулотларининг тури ўн хилдан ошди. Пиёлалар, чойнак ва косалар, турли вазалар... ҳар қандай уй бекаси ўз хонадонида Қувасойнинг бу каби маҳсулотларининг бўлишидан хурсанд бўлиши аниқ.

Дарвоқе, бугунги кунгача корхона 160 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди. Бу эса ҳақиқий аҳволга холис баҳодир.

СУРАТДА: тажриба бўлим мусаввири Назокат Одинаева.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ТАШВИШЛАНИШГА ЎРИН ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида сўм-купонларни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарори Қашқадарё вилоятида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Сўм-купонлар аллақачонлар ёрдамга муҳтож қариялар, нафақахўрлар, ногиронлар қўлига тегди. Бу борада давлат почта-алоқа бирлашмаси ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шу ҳақда сўзлаб беришни вилоят почта-алоқа бирлашмаси бошлиғи Б. ТЎЛАЕВдан сўрадик.

— Биз вилоятдаги 200 мингга яқин нафақахўрга хизмат қиламиз. Жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари билан ҳамкорликда иш тутиб, нафақахўрларни сўм-купонлар билан ўз вақтида таъминлаш тадбирларини белгилаган эдик. Шунга кўра, 1300 нафар почта ходими бу ишга сафарбар этилди. Натижада мавжуд 183 мингдан зиёд нафақахўр, жумладан пенсионер, боқувчисиз қариялар ноябрь ойи учун белгиланган сўм-купонларни олдилар.

Шу кунларда биз декабрь ойи пулларини беряпмиз. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисми — нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ республикамиз Президенти И. Каримовнинг фармонларини бажариш учун ходимларимиз хизматларини аямайдилар.

Қўшимча ишчи кучлари ташкил этдик. Улар туманлардан олис қишлоқларга, тоғлик аҳоли қўрғонларига хонадонма-хонадон юриб, нафақа тарқатишди. Бу ишда Деҳқонобод, Муборак, Китоб, Қамаши, Касби туманлари алоқачилари ижтимоий таъминот бўлимлари, давлат банки ходимлари билан баҳамжиҳат иш тутиб, мижозлар талабини қондиришмоқда.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Мутахассис мулоҳаза юритади*

ЁТИБ ЕГАНГА ТОҒ ҲАМ ЧИДАМАС

ЁКИ ЁНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ ЗАҲИРАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ҳозирги шароитда инсоннят ўзининг хўжалик ишлаб чиқариш фаолнятида йилига 15 миллиард тоннадан ортиқроқ шартли ёнилғи ёқмоқда. Олимларнинг ҳисобича, бу рақам асримизнинг охирига бориб 25 миллиард шартли бирликни ташкил этади. Оқибатда 2000 йилдан кейин инсон учун яна 150 йилга етадиган кимёвий ёнилғи заҳираси қолади, холос. Лекин ҳар бир давлат ақл-идрок билан иш кўрса, инсоннят олами энергетика инқирозидан ҳоли бўлиши мумкин.

Ҳа, тежалсагина инқирознинг олди олиниши мумкин. Нефть қазиб олиш технологиясининг баъзи давлатларда пастлиги туфайли исрофгарчилик кўп. Унинг анча қисми ер остида қолиб кетмоқда. Дунёда ҳозир жуда кўп нефть конларида нефтнинг 56 фоизи ер ости қатламларида қолиб, қатламдан фақат 44 фоизи тортиб олинмоқда. Бунинг устига нефтни қазиб олиш ва ташиш жараёнида унинг бир қисми нобуд бўлмоқда. Кўмир қазиб олиш ва чиқарилишида «режалаштирилган» нобудгарчилик 40 фоиздан ошмаслиги керак.

Лекин кўмир қазиб чиқаришнинг бу талаби баъзи корхоналарда суст бажарилмоқда. Буни Оҳангарон кўмир кони мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу кондан қалинлиги 1,5 метрдан ортиқ кўмир қатламлари олиниб, юпқа кўмир қатламлари кераксиз жинслар билан бирга чиқариб ташланмоқда. Натижада йилига неча юз минглаб тонна кўмир нобуд бўлмоқда. Бунинг устига кўмир қазишда муҳим хом ашё саналган каолин кераксиз жинс сифатида йўққа чиқяпти. Ўзбекистон энди мустақил давлат сифатида хом ашё заҳираларига муносабатини ўзгартирмоқда. Оҳангарон кўмиридан ва у ердаги каолиндан унумли фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Лекин гап тадбир ишлаб чиқилганидагина эмас, шу тадбирни ҳаётга фаол татбиқ этиш ҳақида бораётганини унутмаслиқ лозим.

Яна бир муҳим масала шундаки, қазилма бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишда ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, транспорт ва хўжаликни электрлаштириш тез кенгайиб бормоқда. Ҳозир дунёда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 80—82 фоизи, собиқ Иттифоқда 82—85 фоизи ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 88—90 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

Кўриниб турибдики, дунё энергетика ресурсларининг асосий қисмини — қайта пайдо бўлмайдиган заҳираси чекланган газ, нефть, кўмир, уран ва бошқа ёқилғилар ташкил этмоқда. Ёқилғи қазилма бойликларини муҳофаза қилиб, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш имкониятлари бизда оз эмас.

Бу масалага алоҳида эътибор зарур. Энергия ҳосил қилишнинг ноанъанавий усулларига ўтиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда ва жаҳон тажрибасида шу кунгача асосан қуёш энергиясидан электр энергия олишда фотоэлектрик қурилмалардан ёки қуёш батареясидан фойдаланиш дурустроқ деб топилган. Чунки бу усулда қуёш энергиясидан тўғридан-тўғри электр энергияси олиш имкониятлари кенг. Бизнингча, бу жабҳада унумлироқ, таннархи арзонроқ йўналишларга ҳам дадил амал қилиш фойдадан ҳоли эмас.

Бундай дейишимизга баъзи асосларимиз бор. Қуёш нури — энергияси ҳароратини ишлатиб электр энергияси олинганда, унинг таннархи энг арзон энергия берадиган атом электрстанцияларининг сўнгги нусхадари кўрсатгичлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Ёруғлик-электр (фотоэлектрик) қурилмадан электр ҳосил қилиш усули ҳам бор. Ундан қишлоқ жойларда ёки узоқдаги полизларда, яйловларда чўпонларнинг истиқомат жойларини иситиш, ёритиш, сув насосларини, калькулятор ва соат қурилмаларини доимо ишлатиб туриш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Халқ хўжалигида етишмаётган энергияни барқарорлаштиришнинг яна бир оқилона йўли мавжуд. У бўлса, ер ости хазинасидан оқиб келаётган тонналаб ёнилғиларни тежамкорлик билан ишлатишдир. Кейинги 10 йиллар ичида АҚШда ёнилғини тежаш борасида қўлланилган тадбир-чоралар яхши натижалар берди. Масалан, 1972 йилдан то 1980 йилгача бўлган давр ичида Америка иқтисодиёти 35 фоиз юксалди. Бунга, жумладан, энергия сарфи барқарорлигини бир хилда сақлаш чоралари кўрилгани туфайли эришилди. Бу масалани ҳал қилиш учун ҳар бир корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия сарфини чеклаш тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилгани натижасида эришилди.

Кўриниб турибдики, ёнилғини тежаш устида муттасил иш олиб борилса (эҳтимол, бу борада мустақиллик даврига мос дастур ишлаб чиқилар), иқтисодий кўрсаткичлар янада яхшиланиши табиий. Биринчи галда бунда енгил автомобилнинг 100 километр йўл босиши учун 2,4 литр бензин сарфланишига эришиш, юқори частотали ёритгич чироқлар мунтазам ҳолатини яхшилаш, уй-рўзғор техникаси тежамкорлигини такомиллаштириш назарда тутилса дуруст бўларди. Айнан АҚШда шундай тадбир яхши натижа берди.

Тажрибадан маълумки, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Энг оқилона йўл — тежамкорлик ва халқ хўжалиги турли тармоқларида маҳсулот тайёрлашга кетадиган электр сарфини қатъий назоратга олишдир. Қолаверса, иқтисод қилиш, тежамкорлик мустақилликни мустаҳкамлашга кафолат беради.

Ҳудойберган МАМАТОВ, профессор.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

• *Ножўя ўйин—синдирар бўйин*

ПУЛ ДАРДИДА

ЭҲ МИЛЛИОНЕРЛАР...

Бугун рўй бераётган ўзгаришлар божхона ходимлари зиммасига янада зийрак ва ҳушёр бўлиш, Ватан бахт-саодати йўлида туну кун фидойи ишлашдек шарафли вазифани қўймоқда. Айниқса, кейинги ойларда пул атрофида рўй бераётган воқеалар, хусусан Россиянинг кейинги пайтда бошқа Ҳамдўстлик давлатларига рублни тилла баҳосида сотиш билан баробар бажариб бўлмайдиган шартларни қўйиши натижасида ҳар бир давлат ўз миллий пулини муомалага киритгани катта муаммоларни кўндаланг қўйди. Бундай шароитда қўшни давлатларда кераксиз қоғозга айланиб қолаётган рубллар бизга бостириб келишининг йўли тўсилмаса, иқтисодиётга катта зарар етказиши тайиндир.

Масалан, Туркманистон ўз миллий пулини жорий этганидан буён Ўзбекистон чегараларида ҳар куни Туркманистондан бизга олиб кирилаётган бир неча миллионлаб рубллар ушлаб қолинаяпти. Жумладан, шу йил 20 октябрь куни Ашгабатдан Тошкентга учиб келган самолёт йўловчилари аэропортда назоратдан ўтказилганда, 41 кишидан жами 87 миллион 105 минг рубль олинди. Пуллар мусодара қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига топширилди.

Шунингдек, 15 ноябрда Сурхондарё вилояти божхона ходимлари чоржўйлик М. Мередов Ўзбекистонга олиб кираётган 7 миллион 844 минг рублни ушлаб мусодара қилдилар. Хоразмдаги 1-божхона постида текширилган туркманистонлик фуқаролар И. Сурков, Б. Сопорев ва А. Абдуллаевлардан 5 миллион рубль, 2-божхона постида тўхтатилган д 73—36 ХЗ номерли «Жигули» (эгаси И. Йўлдошев) йўловчиси, Мари шаҳрида яшовчи Б. Машариповдан 6 миллион 186 минг рубль, Россиянинг Самара шаҳридаги «Содействие» ширкати ҳайдовчиси И. Суховдан 5 миллион 75 минг рубль олинди.

Худди шу каби фактлар кейинги кунларда Қозоғистон билан чегарадош жойлардаги постларда ҳам жуда кўп қайд қилинмоқда.

Айни пайтда, керакли пулларни Ўзбекистондан бошқа давлатларга олиб кетишга уриниш ҳоллари ҳам фош этилмоқда. Масалан, Екатеринбург шаҳрида яшовчи фуқаро А. Власов Тошкент аэропортида учиш олдидан Россиянинг 1993 йилда чиқарилган 10 миллион рублини олиб кетаётганида ушланди.

Бу пулларнинг ҳаммаси мусодара қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига топширилмоқда.

ҲОМИЙЛИК ПАНОҲИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ бойлигини четга ташмалаётган бегоналар бир нави, ўзингникилар ҳам бу иш билан шуғулланаётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Айниқса, булар туппа-тузук амал курсиларида ўтирган кишилар бўлса, афсусинг минг карра ортади.

Сурхондарё вилоятидаги 6-божхона постида тўхтатилган бир йўла 13 та юк машиналарига пиёз ортилган экан: 81 тоннаю 100 килограмм — 16 миллион 220 минг сўмлик. Машиналар колоннаси Тожикистонга йўл олган эди! Кузатувчи — Қўрғонтепа туманлараро улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот идорасининг экспедитори К. Ҳалимов. Унинг қўлида Денов туманидаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалиги билан 100 тонна пиёз олди-сотди шартномаси бор. Шунингдек, бу номерсиз шартнома Денов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари У. Қодировнинг пиёзни Тожикистонга ўтказиш тўғрисидаги (1993 йил 27 сентябрда) хати билан гўё мустаҳкамланган.

Пойдевори бўш нарса қанча мустаҳкамлашга уринмагин, барибир нураб тушади. Яна, калта кўрпани бошингга тортсанг оёғинг чиқиб қолади, оёғингни ёпсанг елканг.... Буларнинг иши ҳам худди шунга ўхшайди.

Текширишда яна шу нарса маълум бўлдики, юқоридаги пиёзнинг атиги 13 тоннаю 500 килограмми Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигидан бўлиб, қолгани фуқаролардан сотиб олинган экан.

Пиёз мусодара қилинди, айбдорлар— экспедитор К. Халимов, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси У. Сафаровлар жарима билан жазоланди. У. Қодировнинг қилмишига баҳо бериш учун туман ва вилоят ҳокимларига ахборотнома юборилди.

ТЕЛПАК КИИДИРМОҚЧИ ЭДИ

Наманган вилоятидаги 3-божхона постида тўхтатилган К-33—64 НА- номерли «Жигули»нинг соҳиби Ш. Юнусалиев Косонсой туманидаги «Тонг» фирмасида сотувчи бўлиб хизмат қиларкан. Ҳозир ой кулса ҳам, кун туғса ҳам — савдо ходимига. Илгари харидор ҳақидан беш тийин уриб қолган сотувчи беш йил озодликдан маҳрум этилган бўлса, бугун айрим жойларда давлат дўконлари билан тижоратчи дўконларнинг фарқи қолмади. Харидор шўрлик, сотувчи эҳтиёжидан урадими, тош-тарозидан урадими, оғзига сиққан нархини айтадими — алами ичида, айтганига олиб кетаяпти. Баъзи савдо ходимлари еб тўймаган, ялаб тўярму, деганларидек, мол — моддий бойликларни бошқа республикаларга олиб бориб сотишга уринишмоқда.

Халқимизда «Ўғри бўл... инсоф билан бўл» деган нақл бор. Божхонада қўлга тушаётган савдо ходимлари, чамаси, ана шу инсоф деган нарсанинг ўзи нималигини, у қаерда сотилишини билишмаса керак. Агар билишганида, инсофни ҳам чайқовда пуллашга ҳаракат қилишмас эди.

Хуллас, қаҳрамонимиз Ш. Юнусалиев нима қилибди денг? Шахсий машинасига дўкон омборининг бир чеккасини кўчириб жойлабди: 294 метр «Изаура» газмоли, бир қанча аёллар свитери-ю кўйлаги, эркаклар туфлиси...

Ахир, буларнинг бари Намангананинг ўзида камёб-ку, жаноб Юнусалиев, ўша ерда одатдагидек «шапка»си билан пул лайвермайсизми, мушугингизни «пишт» дейдиган бирон киши йўқ-ку!

Бундай савдо ходимларини «шапка» қониқтирмай қолганга ўхшайди. У Қирғизистонга ўтиб молларига «телпак» кийдирмоқчи эди, насиб этмади. Бир тўла яланғоч қолди — моллари мусодара қилинди, бунинг устига яна жарима ҳам тўлади.

БЕШ БАРМОҚ ОҒИЗ ЙИРТАР

КЕЛИНГ, бу ҳикоямизни ҳам савдо ходимларидан бирига бағишлаб қўяқолайлик. Чунки улар Давлат божхона қўмитасининг навбатчилик қисмига вилоятлардан келаётган кундалик маълумотларда анча-мунча йиғилиб қолишибди.

Бу воқеада савдо ходимларига бошқа соҳа кишилари ҳам ҳашарга келганининг гувоҳи бўласиз. У киши Жиззах вилоят насос станциясининг навбатчи оператори Н. Тоғаев бўлиб, 37—43 ДДГ номерли юк машинасида (Жиззахдаги 2517-автотранспорт корхонасига қарашли, ҳайдовчи А. Ропиев) Тожикистонга 3 тонна маргарин олиб кетаётганда божхоначилар қўлига тушди.

Маргариннинг 2 тоннаси Жиззах шаҳар музхона комбинатидан, 1 тоннаси «Нур» акционерлик жамиятининг 10-дўконидан сотиб олинган экан.

Одамлар бу маҳсулотнинг бир килогинасини кундузи чироқ ёқиб излашса ҳам Жиззах шаҳар дўконларидан топишолмайди. Улгуржи савдода эса, мана марҳамат! Фақат бунинг битта сири бор: улгуржида хуфя даромад ҳам улгуржи бўлади-да...

Р. РЎЗИЕВ,
Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот марказининг ходими.



Жиззах вилояти Пахтакор район ички ишлар бўлимининг ходими, милиция майори Шакарбек Умаров туман марказида катта участка нозири бўлиб хизмат қилади. У 15 йилдан буён халқ осойишталигини таъминлаш йўлида астойдил ишлаб келаётир. Ўз вазифасига содиқлик уни кам қилмади. Одамлар орасида обрўсини оширди. Унлаб жиноятларнинг пайини қирқди. Шогирдларга меҳрибонлигини айтмайсизми?!

СУРАТДА: ёшларга устоз, катталарга ўртоқ, жиноятчига шафқатсиз Ш. Умаров (ўнгда) жамоат тартибини сақлаш бўлими ходими, милиция сержанти Тўлқин Пирматов билан навбатдаги ишларни режалаштирмоқда.

Умарали ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

МАШИНА ЎҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Қумқўрғонлик Чори Шералиев Жарқўрғон туман бозори ёнига «Жигули»сини қўйиб, эшикларини қулфлади... харид қилган нарсаларини олиб чиққанида, қарасаки, машинаси йўқ. Шу бозорга машинасида келиб пиёда қайтган Болта Ҳамроев, Халил Қодиров, Алиёр Зарипов ҳам додини кимга айтишни билмай қолаверди.

Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси Термиз шаҳридаги деҳқон бозори ёнидан, Шеробод туман бозоридан ва шу тумандаги атроф қишлоқлардан ҳам 4 та «Жигули» ана шу тарзда йўқолгани ҳақида маълумот олди.

Бошқарма зудлик билан тузган жиноят-қидирув гуруҳи ишни «Жигули»нинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қиладиганларни кузатишдан бошлади. Орадан кўп ўтмай Қумқўрғонда Шуҳрат Худойбердиев деган кимса ҳозир нархи осмонда бўлган шундай автомашина эҳтиёт қисмларини арзон-гаров сотиб юргани аниқланди.

Текширишлар натижасида Ш. Худойбердиев куёви Баҳодир Халилов «ҳамкор»лигида бир неча машинани пуллагач, бу ишга ҳамкишлоқлари — жамоа хўжалиги консерва заводи ишчиси Шавкат Узоқов ва Зафар Жумаевни ҳам тортгани маълум бўлди.

Фирибгар ўғриларнинг «Жигули»ларни Тожикистондан олиб келяпмиз» деган гапига лаққа тушган харидорлар машина эмас, бошимизга бало сотиб олган эканмиз, демоқдалар. (ЎзА).



АЗИЗ МУШТАРИЛАР! Газета ва журналларга обуна қилиш якунловчи паллага кирмоқда. Шошилинг! Ҳар бир дақиқа ғанимат. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га обуна бўлишни унутманг!

Агар «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» учун 20 минг 400 сўм (ҳозирча қайси банкнот бўлишидан қатъи назар) тўласангиз, бир йўла «ОСИЁ БОЗОРИ» тижорат иловасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Республика прокуратурасининг махсус саҳифаси — «ҚОНУН НОМИ БИЛАН»ни бепул ўқийсиз.

Демак, 20 минг 400 сўмга:

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», «ОСИЁ БОЗОРИ» ва «ҚОНУН НОМИ БИЛАН» беминнат Сизникидир!

• *Кишининг хулқи~унинг чироғи*

АЙШУ ИШРАТ ОҚИБАТИ

ЕКИ ЎН НАФАР ФАРЗАНДИ БЎЛА ТУРИБ «ҚОРА ДОРИ»ГА РЎЖУ ҚЎЙГАН АЁЛ ҲАҚИДА

Ростдан ҳам Вазира Пўлатованинг ўн нафар фарзанди бор. Қирчиллама ёшида ўтган йили бева қолди. (Эри вафот этди). Тошкент шаҳар Чилонзор даҳасидаги 30-мавзеда болалари билан яшайди.

«Хотинларда шайтоннинг фазилати бор» деган гапга баъзан ишонгинг келади. Буни Вазира Эркиновнанинг ҳаёти кўрсатиб турибди. Чунки у аллақачон судланиб улгурган. В. Пўлатова 1990 йилда Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 125-моддаси 2-қисми билан 2 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этилган.

Албатта Сиз «кўп болали хотин ишидан пушаймон бўлиб юргандир» деб ўйларсиз. Йўқ, ҳурматли муштарий, бу аёл чинакам шайтонлардан бўлиб чиқди. Вазирахон қариганда қуйинламан қабилида иш тутиб, айшу ишрат йўлини тутди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дегандаридек, турмушни базми жамшиддан иборат деб билди. Натижада шу йилнинг май ойида Акмал Икромов туман ички ишлар бўлими у ҳақдаги яна бир жиноий ишни судга оширди. Шайтонга чап берадиган Вазира қозилар кўзини шамғалат қилиб юрди.

Юрдигина эмас, қилмишини давом эттираверди. Шу йилнинг 9 июль куни Булунғурдаги таниш-биликидан 200 грамм наша олиб кетиб, айшу ишрат қурди.

Кўнгил қурсин, кўнгил. Ҳалиги савил қолгур «қора оғу»га шундай ҳам ўрганиб қолдики, тугаши биланоқ бутун вужудига ташналик югуради. Бир амаллаб бир кун чидади. Охири бўлмагач, яна Булунғурга йўл олди.

«Вазира опа иккинчи марта келганида 50 минг сўмга наша топиб беришимни сўради. Субҳонқул Нарзуллани айтиб келди ва улар ўша нарсани келтиришди. 14 июль куни уйимни тинтув қилишганда топилган 300 грамм нашани поездда бир туркман йигитидан сотиб олган эдим, уни ўзим истеъмол қиламан. Ҳовлидаги бир туп кўкнорни эса атайлаб экканмасман, ўзи кўкариб чиққан».

(Юсуф МАЛЛАЕВ тушунтириш хатидан).

Хуллас, кўза синди. Булунғурдан 50 минг сўмга наша олиб чиққан Вазира божхона ходимлари қўлига тушди. Салафан ҳалтачадаги ҳалиги нарсани тортиб олаётганларида ташналикдан кўзлари чақнаб кетди. Эҳ, озроқ чекиб олсайди-я!

«Вазира менинг қизим. Бояқиш иккита эрга тегди. Кейинги эри Тўхтсин Абдуллаев 1992 йилда вафот этди. Энг кичик боласи ҳам ўтган йили туғилган. Бечора бир адашипти. Болаларига қарайдиган одам йўқ. Ёрдам беринглар, илтимос».

(Насиба ҚОСИМОВАнинг тушунтириш хатидан).

Ана шунақа, бизда баъзан «қора дори»дан сармаст бўлганларни «бояқиш», «бечора» ҳам дейишаркан. Тушунарли, она ҳарқалай она-да, демоқчисиз. Хўш, унда фарзанд нима дейди?

«Ойим аёл боши билан онламизга бош бўлиб турипти-лар. Ўн фарзандни боқаяптилар. Бошқа қаровчимиз йўқ. Бизни деб ҳатто ишга ҳам чиқмаяптилар. Кенжа укам жуда кичик. Онам қамалса, қийналиб қоламиз. Илтимос, ёрдам беринг».

(Саодат ПЎЛАТОВА тушунтириш хатидан).

Биз жиноий ишнинг бошқа иштирокчилари устида тўхталиб ўтирмадик. Нарзулла Тошматов, Юсуф Донишев, Субҳонқул Холматов ҳам ўз қилмишларига яраша жазо олдилар. Туман ички ишлар бўлими терговчиси, милиция капитани А. Шомуродов, туман прокурори ёрдамчиси Т. Тешаев ушбу иш юзасидан пухта, оқилона, одилона тергов олиб бордилар. Қози ҳам масалага принципиал ёндашди.

Хуллас, «муштипар» аёл устидан учинчи бор ҳукм ўқилди. Қолаверса, инсон учун фарзандларнинг, қавму қариндошларнинг, ёру дўстларнинг муносабатидан ҳам олий ҳукм йўқ! Хўш, Вазиранинг турмушига, ҳатти-ҳаракатига улар нима дейишаркин?

Шуҳрат ҲАСАНОВ,
Булунғур тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА*

«ҚАЕРДА ҚОНУН ҲУКМРОНЛИК ҚИЛСА, ШУ ЕРДА ЭРКИНЛИК БЎЛАДИ».

Амир ТЕМУР.

● Кимлар милиция ходимларини ёмонотлиқ қилишга уринмоқдалар! ● ДАН ходимларининг нафақат вазифалари, балки бурчлари ҳам бор. ● Йўл-улов ҳодисалари камаймоқда, Аммо... ● Жарималар миқдори ошди. ● Йўл ҳаракати маданиятини ўрганайлик. ● Чора кўриш осон, тарбиявий ишлар олиб бориш лозим.

Яқинда бир ҳайдовчи дўстим билан суҳбатлашиб ўтирганимда, Давлат автомобиль назорати бошқармасининг баъзи ходимларидан анча норозилигини билдирди. Унинг айтишича, ички ишлар ходимларини ҳеч ким назорат қилмаётган эмиш. ДАН ходимлари ҳам истаган пана ерларда туриб, «жарақ-жарақ» пул топишаётганмиш.

Юқоридаги суҳбатнинг бўлиб ўтганига ҳам уч-тўрт ойдан ошди. Аммо дўстимнинг айтган гаплари ҳеч ҳам эсимдан чиққани йўқ.

Шу муносабат билан масалага бироз ойдинлик киритиш, муштарийларимизни ҳам қизиқтираётган бир неча саволларга жавоб олиш учун мутасадди идорага бордим. Суҳбатдошим Тошкент шаҳар ҳокимлиги ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси бўлим бошлиғининг муовини, милиция майори Азиз Тўғонович ЭРНАЗАРОВ бўлди.

ЧОРАСИ-КУ КЎРИЛАДИ, ТАРБИЯ-ЧИ?..



— Ҳақиқатдан ҳам гуруч қурмаксиз бўлмайди, деганларидек, милиция кийимини кийиб, нафс балосига йўлиққанлар, фақат чўнтак қаппайтириш илинжида ҳар қандай ишдан бош тортмайдиган эгри қўллилар ҳам учраб туради. Ана ўшандай нопок кимсалар орамизда бўлмаслиги учун бугунги кунда ҳаммамиз курашишимиз лозим. Қонун ҳимоячилари бўлмиш ички ишлар ходимларини Президентимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ойлик маошлари ҳам бир неча баробар оширилди, имтиёзлари ҳам бир мунча кенгайтирилди. Агар шундаям улар эгри йўлга қадам қўйсалар, «жиғилдон» касалига мубтало бўлсалар, қонун олдида жавоб беради лар. Уларни ҳеч ким кечирмайди, ҳар бир йўл қўйилган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун шафқатсиз жазоланадилар.

Лекин бир нарсани очиқ айтишимиз керак, қонунни ҳурмат қилиш барча нарсадан устун турмоғи лозим. Бугунги кунда давр талабига кўра, бозор муносабатларига ўтилмоқда. Бу жуда мураккаб йўл. Мана шу йўлдан биз ҳаммамиз бирга кетаяпмиз. Мақсадларимиз ҳам бир — мустақил республикамизнинг янги иқтисодий тузилмаларини янада ривожлантириш. Аммо ана шу мақсад сари интилаётган барча фуқаролар ҳам бир хил ҳаракат қилмаяптилар. Ўзларини ишбилармон, бизнесмен, тижоратчи ниқоби остида шахсий бойлик орттириш учун имкониятларини ҳам сотиб юрган виждонсизлар бор. Улар дўконлардаги камёб молларни кўтарасига ҳарид қилиб олиб, республикадан ташқарига, пойтахтдан қишлоқларга оборib, бир неча баробар қимматга пулламоқдалар. Бу— қаллобликдан, ўз халқи, миллатига қилинаётган хиёнатдан ўзга нарса эмас. Фақатгина шундай кимсалар милиция ходимларини ёмонотлиқ қилишга уринаяптилар, фисқу-фасод тарқатиб юришади. ДАН ходимлари ҳам ҳукуматимиз белгилаб берган тадбирларни бажаришга барча кучларини сафарбар қилмоқдалар. Улар ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган автомобилларни тўхтатишдан ташқари айрим гумонли машиналарни тўхта тишга мажбур бўлмоқдалар. Натижада юқорида санаб ўтилган «тижоратчи»ларнинг бир нечтаси, ҳеч қаерда ишламай маъмурий назорат остида бўлган кўплаб ҳайдовчилар ушланмоқда. Булар албатта Давлат автомобиль назоратчиларининг вазифалари, аммо улар доимо ҳар бир йўловчи билан хушмуомалада бўлиши, йўл қўйган хатоларини аввало тушунтириши лозим. Мабодо йўл ҳаракати қоидаси қўпол равишда ҳайдовчи томонидан бузилса, баённома тузилиб, чораси кўрилади. Шу йил 13 сентябрь кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг янги қонунига кўра, маъмурий жавобгарликка тортиш янада кучайтирилди, жарима миқдори бир неча баробарга оширилди. Машинани маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчига 162 минг 500 сўмгача жарима солинади ёки 1 йилдан 3 йилгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади. Ваҳолонки, бу чора моддаси 1 йил муқаддам 1000-2000 сўмни ташкил этарди. Жарималар миқдори жуда кескин кўтарилди, аммо ҳали ҳам қонунга бефарқ, чўнтагида кунига минглаб пул «ўйнайдиган» кимсалар учраб турибди. Улар аввало қоидани бузиб, тўхтамай ўтишга ҳаракат қилишади. Мабодо иложсиз тўхташса ёки қидириб топилганда, нозирнинг айтган жаримасини икки баробар тўлашга ҳам рози бўладилар. Ана шундай «бойвачча»лар касрига жуда кўплаб кўнгилсиз воқеалар бўлиб туради.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, охирги маълумотларга қараганда, ҳайдовчиларнинг айби билан чорраҳадан ўтиш, ҳалок бўлганлар, болалар иштирокидаги йўл-улов ҳодисалари, йўловчиларнинг эҳтиётсизлиги туфайли содир этилган ҳодисалар сони ортиб бормоқда. Шаҳарнинг Яккасарой, Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманларида бундай йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ўртача 8-10 фоизга кўпайган. Тошкент бўйича автомобилларнинг техник носозлиги ва йўлларнинг сифатсизлиги туфайли тўқнашув, жароҳат олиш ва ҳалок бўлганлар сони юз фоизга ошди. Миробод, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов ва Чилонзор туманларида йўл транспорт ҳодисаларининг содир этилиши бир мунча камайган. Булар албатта жойлардаги ДАН ходимлари олиб бораётган намунали ишлардан дарак беради ва кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг йўлга қўйилганлигининг ёркин намунасидир.

Мени доимо бир нарса ўйлантиради: нима учун кўчалардаги чорраҳага ёки йўл ёқасига ўрнатилган белгиларга кўпчилик эътибор бермайди. Давлатнинг бир неча минглаб маблағи эвазига қўйилган бу чорраҳа ва белгилар хўжакўрсингами? Ҳайдовчиларнинг кўзи ҳам нозирни қидиради. Йўқми, а-ҳа, қоида бузса бўлаверади. Ёки пиёдалар ҳам машинани бор-йўқлигига қараб, йўл у четидан бу четига қараб чопадилар. Ваҳолонки, махсус пиёдаларнинг ўтиш жойи белгиланган, ерости йўллари қурилган. Буларнинг ҳаммаси пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қилинган-ку! Одамларимиз ўз ҳаётларига намунча бефарқ бўлмасалар-а?! Шу билан бир қаторда фарзандларимизга ҳам йўл ҳаракати маданиятини ўргатмаймиз. Чунки катта ёшдаги ота-оналар, мактаб муаллимларининг ўзлари, ҳам қойиллатиб ўрганишмаган ва уларга риоя қилишга одатланишмаган-да! Қуш эса **уйда кўрганини қилади.**

Ҳар қандай жавобгарликнинг чораси-ку кўрилади, аммо шуни онгли равишда қилмаслик мумкин эди. Мана шу бизнинг энг оғриқли муаммоларимизнинг бош сабабчиси. Касалнинг олдини олган яхши, деб бежиз айтишмаган. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмай, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолгандан кўра, онгли равишда кўчада юриш маданиятини эгаллаган минг марта афзал бўлса керак. Бу ишни аввало уйдан, сўнгра боғча, мактаб ва олийгоҳларда, иш жойларида ўрганилади.

Миллатнинг турмуш тарзи, маданияти ва фаровон ҳаёти учун барчамиз ҳам масъулмиз.

Суҳбатни Мирзараҳим МАМАЖОНОВ ёзиб олди.

Хожи Сайфиддин ЖАЛИЛ

БОБИР МИРЗО ЮРГАН ЙЎЛЛАР

ЁХУД БИР МУБОРАК САФАР ТААССУРОТИ

Бобир* номидаги халқаро жамоат хайрия жамғармаси ҳузурида илмий экспедиция тузилиб, 1992 йили илк сафарини бошлагани ҳақида эшитгансиз. Ўшанда 14 кишидан иборат экспедиция Эрондан бошлаб Туркия ва Яқин Шарқдаги асосий араб мамлакатларида бўлиб Афғонистон ва Ҳиндистонга — Бобир фаолияти билан боғлиқ бўлмиш давлатларга бориш учун махсус сафар уюштириш кўзда тутилган эди. Шунга қарамасдан қайтишда қисқагина фурсат бўлса-да, Покистон ва Афғонистонда ҳам бўлиб, Қобулдаги Бобир қабридан яъни унинг ҳокидан намуна олиб келинган эди (у Андижонда барпо этилаётган махсус зиёратгоҳга дафн этилди).

Мана, ниҳоят бу йил Ҳиндистонга ва Покистонга махсус сафар уюштирилди. Сафар аъзолари 7 кишидан иборат бўлиб 22 июлда Андижондан жўнаб 13 сентябрь куни эсон-омон Ватанга қайтиб келди.

Ушбу сафар таассуротлари ниҳоятда чуқур ва сермазмун, шунга яраша тўпланган маълумотлар ҳам кўп. Зеро, сафар Бобир изидан бўлгач, экспедициянинг бу галги маршрути айнан мақсадга мувофиқ келди. Ундан ташқари, сафар илмий мақсадда бўлгани сабабли бу гал масаланинг ушбу томонига алоҳида эътибор берилди. Мен бу ерда йўл-йўлакай бўлган кундалик саргузаштлар, Бобирийлар номи билан боғлиқ ёдгорликлар ва улардан олган таассуротларим ҳақида ёзмайман. Чунки улар ўз навбатида ҳам қатор мақолаларга мавзу бўлади. Ўзим Бобир ва унинг даври билан узоқ муддатдан буён шуғулланиб келаётганим сабабли ҳозирча экспедициямизнинг илмий ва тарихий мазмунига эътибор бермоқчиман.

Биз Ҳиротда афғон олими, тарихнинг яхши билимдони Мавлавий Анбарий жаноблари билан икки кун бирга бўлиб шаҳарнинг Шоҳруҳ Мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқаро даврида гавжум бўлган қисмини хўп айландик. Боболаримиз ҳазрат Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, шунингдек Саъдиддин Қошғарий, Хожа Абдулло Ансорий, Улуғбек Мирзонинг онаси Гавҳаршодбегимнинг ва бошқа кўплаб қабрларни ҳам зиёрат қилиб, уларнинг пок руҳларига дуойи-фотиҳалар ўқидик. Афсуски, кўпгина қабрлар мақсадсиз афғон уруши касофати туфайли бузилган ва айримлари ҳатто вайронага айланиб кетибди.

Бизнинг Мавлавий Анбарий билан қилган суҳбатимиз асосан Хуросон давлатининг Шоҳруҳ Мирзо ва Султон Ҳусайн даврлари ҳақида бўлиб, бу борада қилинган илмий ишлар, уларнинг муаллифлари бизни кўпроқ қизиқтирарди. Суҳбатлардан мени айниқса суюнтирган нарса Ҳиротнинг Навоий даври ва унинг ўзига Султон Ҳусайн Бойқаро, шунингдек, Шоҳруҳ Мирзолар шахсига бу ердаги маҳаллий олимлар ғоят ҳурмат билан қарарканлар. Уларнинг шаҳар ободончилиги учун қўшган ҳиссаларини самимият билан хотирладилар. Бироқ, яна бир афсусланадиган жойи, Ҳирот зиёлилари ўзбекистонлик ҳамкасбларининг ушбу даврга оид тарихий асарларидан хабардор эмас (фақатгина тарих фанлари доктори А. Ўринбоев ва унинг Навоий хатларига доир асари бундан мустасно).

Эронга ўтганимизда Машҳадда таниқли инглиз бобиршунос олими В. Эрскиннинг «Эрон ва Бобир» номли форс тилида чоп этилган катта асарини ғоят мамнуният билан қўлга олдик. Шу билан бирга мен бироз ўйга ҳам толдим. Қаранки, Бобир Эронда жуда оз муддат турган бўлса-да, инглиз тарихчиси унга бағишлаб, алоҳида катта асар ҳам битган экан.

Покистонга ўтгач, Лоҳур шаҳрида сафаримизнинг илмий мазмуни бир оз бойиди. Бу ердаги муҳим вазифаларимиздан бири — Лоҳур миллий музейида бўлиб, унинг директори — профессор Сайфураҳмон Дар билан учрашиш зарур эди. Профессор Сайфур Раҳмон ҳақида шуни айтиш керакки, бу олим билан биз 1991 йили ёзида ЮНЕСКО уюштирган «Буюк ипак йўли» халқаро экспедициясида танишган ва ўзаро салом хатлари ҳам ёзишган эдик. У киши, гарчи Бобиршунос бўлмаса ҳам Покистонда машҳур, ўз соҳаси — археология бўйича мутахассислар орасида Шарқда маълум кишидир. Сайфур Раҳмон Панжоб археология давлат департаментининг мудири, Покистон бўйича археология ва музейлар илмий кенгашининг бош котиби, Панжоб университетининг ҳам профессори.

Ниҳоят, музейни топиб у киши билан учрашдик ва ишхонасига таклиф қилинган айрим илмий ходимлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат мавзуси — умуман Покистон тарихчиларининг Бобир ва Бобирийлар ҳамда мамлакат тарихининг улар ҳукмронлик қилган даври ҳақидаги илмий асарлари устида эди. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки Покистон олимларининг ҳам (ҳинд олимлари каби) Бобирийлар даври тарихига меҳр-муҳаббати жуда баланд экан.

Сайфур Раҳмоннинг афсуслик билдирган жойи шу бўлдики, унинг биз билан учрашуви тасодифан, яъни кутилмаган ҳолда эди. Шунга қарамай у киши ўзини Бобир авлодидан деб ҳисоблаб юрган Жалолиддин Акбарий исмли бир олимни излаб топиб, учрашишни маслаҳат берди ва унга ўзи қўнғироқ қилди.

Биз Акбарий ҳақида маълумот олиб уни Ўзбекистоннинг Покистондаги расмий вакиллари орқали топтиришни режалаштирдик. Сайфур Раҳмон эса, сафаримиз ва Бобир ҳақида илиқ сўзлар айтиб, олий баҳо берди.

Тарихдан маълумки, Бобир 1526 йили машҳур Панипат жангида Деҳли султони Иброҳим Лўди устидан ғалаба қилган. Умуман тарихда «Панипат жанглари» деб аталмиш урушлар уч марта бўлиб, унинг иккитаси бизнинг мавзумизга дахлдордир.

Биринчи жанг 1526 йил апрель ойида бўлиб, Ҳиндистонда Бобирийлар империясига асос солинган. Аммо ўттиз йил ўтгач 1556 йил ноябрь ойида Акбаршоҳнинг генерали Байрамхон қўшинлари Деҳли тахтига даъвогар бўлган Хему қўшинлари устидан ғалаба қилиб бобирийлар империясини мустаҳкамлайди.

Панипат шаҳрида бўлиш ва машҳур жанг майдонини кўриш режамизда бор эди. (Шаҳар Деҳлидан юз чақиримча шимолда). Борганда шу нарса маълум бўлдики, Ҳиндистон ҳукуматининг қарорига биноан, 1958 йили Панипат жанглари шарафига атаб махсус боғ яратилган. Унга кираверишда: «Панипат жанглари Ҳиндистон тарихида буюк бурилиш ясади» — деган мазмундаги сўзлар ҳинд ва инглиз тиларида ёзиб қўйилган. Ҳиндистон халқи ва давлати бу тарихий воқеани самимият билан эътироф қилиши бизни, албатта, мағрурлантиради. Аммо шу билан бирга, ўзимизни ўзимиз менсимай, тарихимизнинг Бобир ва Бобирийлар номи билан боғлиқ саҳифаларини атайлаб чала ўқиб, Бобир шахсини қоралаб юрган, уни босқинчига чиқарган даврларни эслаб юзимиз шувит бўлиши керак. Панипат панорама-хотира боғини кўриб менда пайдо бўлган дастлабки хижолат ҳисси шу бўлди. Хайриятки, қайсидир раҳбарларнинг номи билан боғлиқ бўлган бу даврлар ортда қолди.

Илмий давра суҳбатлари Деҳлидан бошланиб жиддий тус олди. Бу ерда Шоҳи Жаҳон қурдирган машҳур Жомеъ масжиди бор. У доимо зиёратчилар билан гавжум. Жомеъ саҳнига оёқ кийимларини ечиб кирилади. Биз ҳам ана шу қоидага мувофиқ бу муқаддас даргоҳга қадам босиб унинг мармар плиталар ётқизилган жуда кенг майдони орқали ўтиб нариги томонида жойлашган раҳбарият идорасига кириб бордик ва бош мутасадди жаноби Мавлоно Фозил Аҳмад ҳамда илмий мудир Абдулҳай Қосимлар билан танишдик. Измонларни дастлабки икки нарса таажжубга солди: бири улар билган тарихда шу кунларгача Ҳиндистонда улуғ империяга асос солган Бобир изидан биронта илмий экспедиция келмагани бўлса, иккинчиси бизларнинг Бобур юртидан махсус автомашинада келганимиздир. Бизларни таажжубга солган нарса эса шу бўлдики, улуғ Бобир ва бобирийлар номини ардоқлаётган бу мударрис-олимлар мустақил Ўзбекистонимиз ва ўзбек халқи ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Лекин Самарқанд, Бухоро, Бобир юрти Андижонни тилга олсак юзларида дарҳол табассум пайдо бўлди.

Табиийки, дастлаб суҳбат Ўзбекистон ва қадимий ўзбек халқи хусусида маълумот беришдан бошланди. Суҳбат қизигач, уларда секин-аста мамнуният ҳисси пайдо бўла бошлади. ва ходимлардан бирига биз учун чой келтиришни буюрдилар. Чой ичиш асносида экспедициямиз, унинг мақсади, Бобир туғилган Андижон шаҳри ва бу улуғ инсон номини абадийлаштириш учун бошланган қутлуғ ишларимиз ҳақида қизғин суҳбат бўлиб ўтди. Мавлоно Фозил Аҳмад ўз навбатида Бобир ва бобирийларга нисбатан Ҳиндистон халқининг ҳурмат-эҳтироми ҳақида, улардан қолган ажойиб тарихий ва меъморий обидаларга муносабат, эндиликда бу обидалар бутун жаҳон сайёҳларининг муътабар қадамжоларига айланганини ҳақида ахборот берди. Суҳбат чоғида яна шу нарса маълум бўлдики, ушбу муътабар Жомеъ масжиди ҳукумат қарори билан қайта таъмирланаётган экан. Бунинг учун етарли маблағ ажратилган. Жомеъ саҳнининг узоқ бурчагида таъмир учун тўплаб қўйилган зарур ашёларни ва масжид саҳнидаги пачақланган айрим мармар плиталарни алмаштираётган усталарни кўриб бизлар ҳам мамнун бўлдик. Мутасадди дўстларимиз Бобирийлардан қолган ёдгорликлар ҳақида чоп этилган айрим адабиётлар ва илмий мақолалар билан таништирдилар.

Галдаги давра илмий суҳбати Деҳлидаги Жавоҳарлаъл Неру номидаги университетнинг ижтимоий фанлар бўлимида уюштирилди. Ушбу университет ҳақида шуни айтиш лозимки, у нисбатан ёш — ҳинд халқининг улуғ фарзанди Жавоҳарлаъл Неру хотираси учун 1969 йили ташкил қилинган. Университет шаҳарнинг чекка кунжида, махсус барпо қилинган катта боғ ичида жойлашган .Унинг бир-бирига ёндош қурилган 2—3 қаватли ўнлаб бинолари бўлиб, ҳар бирида турли фан соҳаларининг умумлашган бўлими жойлашган. Масалан, биз бўлган бинода ижтимоий фанлар бўлими бўлиб, у ўз навбатида тарих, сиёсатшунослик, адабиёт ва тилшунослик факультетларидан иборат. Ундан ташқари, ҳар бўлим қошида махсус мактаблар бор. Ўқиш жараёни компьютерлашган. Бўлимнинг тарих факультети декани доктор Авлиёхон Умду жаноблари бизни жуда илиқ кутиб олди. Тарихчи олимлардан докторлар Музаффар Аълам, Ҳайбатулло Мавлин, Муҳаммад Исхақхон Амрий ва яна бошқа қатор аспирантлардан иборат қизғин давра суҳбати уюштирилди. Доктор Авлиёхон Умду хабар бермай келганимиздан ва бинобарин, баъзи олимларни учраштиришга таклиф қилиш имкони йўқлигидан ва дуруст кутиб ололмаганидан афсусланиб, узр сўради. (Бўлимда ўқишлар тўхтаган ва имтиҳонлар вақти экан). Бизлар Бобир юртидан махсус келганимиз ҳеч кутилмаган воқеа эканини қайта-қайта таъкидлашди. Улар Андижонни эшитганлар. Аммо уни умуман Фарғона билан аралаштириб тушунадилар. Суҳбатда, Бобирни дастлаб Фарғона мулкининг подшоси бўлгани ва у ушбу мулк пойтахти бўлмиш Андижон шаҳрида таваллуд топганига эътиборни жалб қилдик. Уларга «Бобур ва Андижон» китобимизни улашдик. Суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, ҳинд тарихчи олимлари Бобир ҳақида эмас, кўпроқ унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврлар устида илмий иш олиб борадилар. Бунинг сабаби маълум: Бобир Ҳиндистонда ўз империясига асос солган, афсуски, бу салтанат узоқ яшамаган. Янги давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимлари унча тартибга тушмай туриб, унинг асосчиси дунёдан кўз юмди. Империянинг тараққиёт даври асосан набираси Акбаршоҳ давридан бошланди. Илмий тадқиқотлар ҳам, бинобарин ўша, кейинги даврларга қаратилган.

Андижон ҳақида бизлар берган маълумот ва Бобир фаолиятининг бошланишидан хабар берувчи бизнинг китобимиз уларда зўр қизиқиш уйғотди. Бобир ва бобирийлар ҳақида суҳбат ва илмий баҳслар қизигандан қизиб кетди. Доктор Музаффар Аълам бу империянинг сўнгги даврига доир илмий асар чоп қилгани маълум бўлди. У рухсат билан чиқиб кетиб бир оздан сўнг китобини олиб кирди ва муаллифлик имзоси билан каминага ҳадя қилди. Асар инглиз тилида бўлиб, «Шимолий Ҳиндистонда буюк мўғуллар империясининг инқирози» деган номда экан, (Деҳли, 1986 йил). Чой устида давом этаётган суҳбатда бизлар «мўғул» номига уларнинг диққатини жалб қилдик ва бу мавзуни экспедициямиз раҳбари Зокиржон Машрабов давом эттириб, Бобир мўғул эмас, балки туркий халқлардан бўлмиш ўзбек авлоди эканлигини айтди. Бинобарин бутун бир империя номи мўғуллар эмас, «Бобирийлар империяси» — деб аталиши айни ҳақиқатдир, деган тушунча берилди. Камина ҳам суҳбатга аралашиб «мўғуллар» деб аталиб кетишига сабабни ўз нуқтаи назаримча талқин қилиб бердим ва Ўзбекистон матбуотида бу масалада илмий баҳслар бўлиб ўтганига ва «Бобирийлар империяси» деб юритилишини Оврупо олимларига ҳам таклиф қилиш лозимлигига келишганимиз ҳақида маълумот бердим (Бу ерда таниқли мунаққид Иброҳим Ғафурнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтономасида «Бобир мўғул эмас» сарлавҳали мақоласи муносабати билан каминанинг, Фозила Сулаймонова ва Илёс Ҳошимовларнинг эълон қилган мақолалари назарда тутилди).

Суҳбатда ҳинд олимлари якдиллик билан шуни тасдиқладиларки, агар Ҳиндистон тарихидан Бобир ва унинг авлодлари даври олиб ташланса, тарих бутунлай бузилади ва ҳинд халқининг янги цивилизацияси сари босган қадами нотўғри талқин қилинган бўлади.

Каминани яна шу нарса қувонтирдики, доктор Музаффар Аълам Тошкентда бўлган эканлар ва таниқли бобиршунос олима С. Азимжонова, тарихчилар И. Низомиддинов ҳамда Р. Мукминоваларни ҳам шахсан танир эканлар. Мен улар билан яқиндан алоқада эканимни, Сабоҳат опани устоз деб билишимни ва Илёс Низомиддинов дўстим эканини айтганимда у киши жуда хурсанд бўлиб кетди. Аммо дўстимиз Илёснинг вафотини мендан эшитгач, анча қайғуга тушди ва таъзия изҳор қилди.

Навбатдаги илмий суҳбат Деҳли миллий музейининг қўлёзма ва илмий китоблар бўлимида бўлиб ўтди. Ҳиндистон ва Покистон музейлари алоҳида мавзу бўлса ҳам бу ерда шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Ҳиндистонда ҳам, Покистонда ҳам музейлар давлат эътибори, ғамхўрлигида ишлайди. Тўғри, бу ерда ҳам музей ҳукуматнинг маданият департаменти ихтиёрида. Аммо тартиб-интизом, музей экспонатларига муносабат, уларни қўриқлаш (махсус қуролли аскарлар назорат қилади), ходимлар таъминоти масаласида бизлар улардан ўргансак арзигуликдир.

Музейнинг китоблар ва қўлёзмалар бўлими мудири профессор Насим Ахтар жаноблари бизларни олимларга хос салобат билан кутиб олди ва форс тилида битилган кўп ноёб китобларни намойиш қилди. Ўзи форс адабиётидан мутахассис бўлгани ва каминанинг ҳам бир оз форс тилидан хабардорлиги анча қўл келди ва у киши билан таржимонсиз суҳбатлашиш мумкин бўлди. Самарқанд, Бухоро ҳақидаги тарихий китоблар, Навоий даврида Ҳиротда битилган айрим асарлар, Қуръони Каримнинг XV асрда Самарқандда кўчирилган ажойиб нусхаси, тошкентлик шоир Бадр Чочийнинг (XV аср) қасидаларини кўриб ҳавасимиз келди. (Бадр Чочий қасидалари устидан андижонлик олим марҳум Анисий Абдилаҳад Азизов илмий иш олиб борган эди). Музейда қимматли илмий асарлар тўпланганини ва бу асарлар посбони профессор бўлиши мен учун таажжуб, шу билан бирга ибратли туюлди. Қани энди бизларда ҳам музейларга ана шундай муносабат бўлса, деган ўй ўтди.

Эртасига, келишганимизга кўра, Насим Ахтар тарихчи профессорлардан Рифоат Алихон, Ҳиндистон парламенти аъзоси Сайфиддин Соод, шунингдек, нафақадаги профессор, бизни махсус излаб келган Саид Амир Ҳасан Обидийларни тўплаб махсус давра суҳбати ташкил қилди. Измонимиз Насим Ахтар бизларни таништиргач, суҳбатни профессор Рифоат Алихон бошлаб берди. Гурунг гоҳ инглизча, гоҳ ҳиндча давом этди. У киши Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида азалдан дўстона муносабатлар ўрнатилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан Бобирдан сўнг илмий алоқалар жонлангани ва Ҳиндистонга Бухоро, Самарқанд, Андижондан кўплаб уламолар, мударрислар, Ҳофизи Қуръонлар келиб Ҳумоюн, айниқса Акбаршоҳ, Шоҳи Жаҳон, Аврангзеблар саройларида хизмат қилганлари, Ҳиндистонга ўзлари билан ислом нурини ҳам олиб келганини айтди.

Сўнг профессор Сайфиддин Соод сўз олди. У киши ҳам Ҳиндистон тарихини Бобирийлар даврисиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, — деб таъкидлади. Хусусан, Бобир авлодлари даврида Ҳиндистонга буюк ислом цивилизацияси кириб келди. Натижада илм-фан, маданият ва меъморчиликда қадимий ҳинд анъаналари билан ислом шарқи анъаналари ўртасида шундай бир уйғунлашув рўй бердики, натижада XVI асрдан то Англия мустамлакачилиги бошлангунча Ҳиндистонда жаҳон цивилизацияси учун ноёб ва қимматли бўлган янги маданият вужудга келди. Бу ҳинд халқи ҳаётининг барча жабҳаларида — кийим-кечаклари, ҳатто озиқ-овқатлари, шаҳар қурилиши, боғ-роғлар яратилиши ва ислом одобида яққол намоён бўлди. «Биз тарихчилар, — сўзини давом эттирди профессор, — ушбу прогресс бошида улуғ Бобир турганини сизларнинг келишингиз билан янгидан ҳис қилмоқдамиз».

Профессор Саид Амир Ҳасан Обидий ўз сўзида Аврангзеб даврида яшаб ўтган олимлар, адиблар, шоирлар ҳақида ахборот берди ва бу ҳақда ўзи ёзган ва муҳаррирлик қилган айрим илмий ишлардан бизларга тақдим қилди. Ҳинд олимлари экспедициямизнинг илмий режаси ва мақсадлари билан танишгач, жуда ҳайратга тушдилар ва хурсандликларидан беихтиёр арабча «Машоолло» калимасини айтдилар.

Умуман бу илмий мулоқот уларда ҳам, бизларда ҳам эсдан чиқмас таассурот қолдирди ва экспедициямизнинг илмий жиҳатига ижобий таъсир кўрсатди.

Энг сўнгги илмий мулоқот Мултон университетининг тарих факультетида ўтказилди. Мултон Ҳиндистоннинг ғарбидаги қадимий шаҳарлардан ҳисобланади (ҳозир Покистонга қарайди). Дастлаб Александр Македонский ҳужумига қарши ҳаракат ҳам шу ердан бошланган. Кушон империяси ташкил топгач, император Ашока даврида ушбу шаҳар ободлашиб борган. VIII асрдан бу ерга ислом дини, X—XI асрлардан эса туркий қабилалар кириб келади ва сўнг Маҳмуд Ғазнавий тасарруфига ўтади. XII асрдан бошлаб бу атрофда туркий халқлар маданияти, тили кенг ёйилиб боради .Ниҳоят, XVI асрда Бобирийлар тасарруфига ўтиб, айниқса Аврангзеб Оламгир давридан Мултон мусулмончиликнинг ва ислом маданиятининг йирик марказларидан бирига айланади.

Мултон университети Баҳовиддин Закариия номида экан (XII аср охири, XIII асрда ўтган ислом таълимотининг улуғ устозларидан, 1262 йили Мултон шаҳрида вафот қилган ва шу ерга дафн этилган. Қабрлари ҳозир ҳам зиёратгоҳга айланган). Университетнинг тарих департаменти (факультети) раҳбари профессор Ошиқ Муҳаммад Дурроний жаноблари бизни ниҳоятда самимий қабул қилди. Бу олим шаҳар тарихи ва Бобирийлар давридан, шунингдек, Британия мустамлакачилигига оид илмий асарлар ёзган экан. Ошиқ Муҳаммад айрим тарихий омилларни фахрланиш ҳисси билан тўлқинланиб гапириб берди.

Ҳиндистон Бобирийлар тасарруфига ўтгач, бу томонга ҳақиқий ислом шарқи маданияти кириб келганини, маҳаллий ҳинд халқи ҳаётининг барча жабҳаларида — масалан кийим-кечаги-ю, одатларида, овқати-ю, кундалик турмуш шароитларида туркийзабон қалқларга хос анъаналар ёйилганини далиллар билан исботлаб, гапириб берди. Йирик олимнинг бу илмий хулосалари бизларни ҳам тўлқинлантириб юборди ва қалбларимизда ифтихор туйғулари уйғотди.

Бироқ, Ошиқ Муҳаммад афсуслик билан шуни таъкидладики, XVIII асрнинг II ярмидан Ҳиндистонга инглиз мустамлакачилари кириб келиб, мамлакат улар тасарруфига ўтиб қолди. Бобирийлар авлоди таъқиб қилинди ва барчаси ҳар томонга тарқаб кетди. Баҳодиршоҳ II нинг бир авлоди оиласи билан Мултонга яқин ўрмонда яшириниб яшашга мажбур бўлди. Фарзандлари XX аср бошларида ҳам озодлик ҳаракатларида қатнашиб ҳалок бўлдилар.

«Ғурбатга, қамбағалликка лаънатлар бўлсин, мустамлакачилик дастидан Баҳодиршоҳ авлодлари тирқираб кетди, афсус» — деди суҳбат сўнгида профессор Ошиқ Муҳаммад Дурроний. Улар таъқибдан қочиб, хатто номларини ўзгартириб юборганлар ва турли майда касблар билан шуғулланиб кетганлар. Ошиқ Муҳаммад ҳам бизнинг экспедициямизга катта умид боғлади ва келажакда Андижон ва Мултон университетлари билан дўстона алоқалар ўрнатиш истагини билдирди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳиндистон ва Покистон олимлари билан ўтказилган илмий мулоқотлар натижаси кутгандан зиёда бўлди. Биз янги-янги олимлар билан танишдик ва дўстлашдик, алоқалар ўрнатиш учун адреслар алмашдик. Улар тавсияси билан Бобир ва бобирийлар ҳақида ,улар даврига оид кўплаб тарихий китоблар, ҳинд миниатюрасига доир нашрлар сотиб олдик. Булардан ташқари, мустақил Ўзбекистонимизни ташвиқ қилишда ҳам миллий доиралардаги бу учрашувлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биз қаерда бўлсак, ким билан учрашсак, аввало, собиқ СССРдан ажралиб чиққан Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида, Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий ва маънавий қадриятларимизни англаш ва тиклаш борасида олиб бораётган изчил сиёсати ҳақида сўз юритдик. Бизнинг Бобир номидаги халқаро илмий экспедициямиз ҳам ўша мустақиллик ва миллий мафкура борасидаги сиёсат шарофати билан вужудга келганлиги ҳақида Ҳиндистон ва Покистондаги суҳбатдошларимизда тасаввур пайдо қилишга интилдик. Иншооллоҳ, мустақиллигимиз туфайли бошланган хайрли ишларга экспедициямиз ҳам ўз улушини қўшса, эзгу мақсадларимизга эришган бўламиз.

---

* Мақола муаллифининг илтимосига кўра ундаги исмлар ўзгартиришсиз берилмоқда.



Шу кунларда мамлакатимиз шоир ва саркарда Бобир таваллудининг 510 йиллигини нишонлаш арафасида. Шу муносабат билан республикамизда Бобир ҳайкалини яратиш бўйича конкурс эълон қилинган эди. Конкурсда ғолиб чиққан тошкентлик ёш ҳайкалтарош, рассомлар уюшмаси аъзоси Равшан Миртожиев ҳозир улуғ шоиримиз сиймосини яратиш устида иш олиб бормоқда. Бобир ҳайкали шоир туғилиб ўсган Андижон шаҳрининг баҳаво жойига ўрнатилади.

СУРАТДА: ҳайкалтарош Равшан Миртожиев иш устида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

XXI АСР ЭНЕРГИЯСИ

● Хитой «энг замонавий ядровий технологияларга эга мамлакатлар клубига» аъзо бўлганини эълон қилди. Бундан буён ХХР ҳам XXI асрда фойдаланиладиган энергия манбаларини қидириб топишга катта аҳамият беради.

Хитой атом саноати миллий корпорацияси расмий вакилининг таъкидлашича, Чэньду шаҳридаги жануби-ғарбий физика институтида бошқариладиган термоядро синтези соҳасида тадқиқотларнинг «мутлақо янги йўналиши» танлаб олинган. Мамлакат мутахассисларининг қайд этишича, XXI асрда денгиз суви таркибида учрайдиган оғир водород, шунингдек, тритий ва Менделеев даврий системасидаги бошқа «енгил элементлар» асосий энергия манбаи бўлади.

«Денгиз ва океанлар битмас-туганмас энергия манбаи бўлиб, у инсониятга 100 миллион йилларга етади», деди корпорация вакили.

РОССИЯ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

● Ўтган ҳафтада Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президент Борис Ельцин мажлисда саноатнинг мудофаага йўналтирилган тармоқларидаги вазият ҳамда Шимолий Осетия ва Ингушетиядаги фавқулодда ҳолат жорий этилган минтақаларда қарорларнинг бажарилиши ҳақидаги масалалар кўрилишини қайд этди.

Россия Федерацияси Бош вазири В. Черномирдин меҳнат таътилида бўлишига қарамай мажлисда иштирок этди.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

● Президент Бурҳониддин Раббоний раҳбарлигидаги Афғонистон Ислом жамияти (АИЖ) ва Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр бошчилигидаги Афғонистон Ислом партияси (АИП) Тагоб водийсида бир ойдан буён давом этган ўзаро жанглардан сўнг, ўтган ҳафтанинг чоршанба куни ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битимга келишди.

Бироқ, аҳоли бу битим ҳам илгариги аҳдномалар каби кўп ўтмай бузилишидан хавотир билдирмоқда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВАКИЛИНИНГ РАДДИЯСИ

● Американинг «Ньюсуик» ҳафтономасида мабодо Корея ярим оролида уруш бошлангудек бўлса, унда Корея Халқ Демократик Республикаси ғалаба қозонади, дея таъкидланган мақола эълон қилган эди. Жанубий Корея ҳарбий муассасаси вакили мақолага муносабат билдириб, бу фикр «мантиққа зид ва асоссиз» эканини айтди.

Америка ва Жанубий Корея қуролли кучлари ҳимоянинг пухта режасига эга. Бундай мақолалар Шимолий Корея билан ядровий муаммони ҳал этишга салбий таъсир этади, деди расмий вакил.

МОЛДОВА ЎЗ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИ ЖОРИЙ ЭТДИ

● Молдова Президенти шу йилнинг 29 ноябридан миллий валютани жорий этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Бундан буён лей Молдованинг миллий валютаси ҳисобланади. СССР давлат банки ва Россия Марказий банкининг 1961—1992 йилларда муомалага чиқарган пуллари ва Молдова Миллий банкининг рубль—купонлари аҳолига алмаштириб берилади. Фармонда минг рубль—купонга бир лей алмаштирилиши белгиланган. Бу жараён 2 декабрь соат 18 га қадар давом этади. Шу муддатдан бошлаб, Молдова лейи республика ҳудудида ягона тўлов воситаси бўлиб қолади.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

● РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, БМТнинг бошланган ялпи мажлисида «Хавфсизлик Кенгашида адолатли вакилликни қарор топтириш ва унинг аъзолари таркибини кенгайтириш масаласи» кун тартиби муҳокама қилинди. Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ этиш масаласида сўзга чиқувчилар рўйхатига 38 мамлакат вакиллари ёзилдилар.

Сурия вакили Муҳаммад Нажот Шаҳид Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ этиш мавзусидаги халқаро музокарани очар экан, қуйидагиларни таъкидлади: «Хавфсизлик Кенгашининг таркиби ҳозирги кунни эмас, балки иккинчи жаҳон уруши охиридаги даврни акс эттиради. Ҳолбуки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари сони ҳозирга қадар тўрт баробарга ошган. Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашида тенг ҳуқуқли вакилликни кафолатлаш, унинг иш услубларини эса қайта кўриб чиқиш керак!

АҚШ ГРУЗИЯНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

● Америка Қўшма Штатлари Грузия раҳбариятини инсон ҳуқуқлари қоидаларига риоя этиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирди. Мазкур собиқ шўро республикасида Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари деб шубҳа қилинган одамлар ҳибсга олинаётгани ва уларга номатлуб муносабатда бўлинаётгани ҳақидаги хабар бунга сабаб бўлди.

АҚШ давлат департаменти Грузияда баъзи бир маҳбусларга нисбатан шафқатсизлик қилинаётганини таъкидлаб, қуйидагича баёнот берди: «Ҳар бир собиқ Совет республикалари, жумладан, Грузия билан ҳам муносабатларимизнинг ривожланишида инсон ҳуқуқлари ва қонун устиворлигига ҳурмат билан қараш асосий омил бўлиб хизмат қилади».

ЯДРОВИЙ МУАММОЛАР

● «Ядровий қуролларни тарқатмаслик масаласи тўғрисида ҳудудий музокаралар олиб бориш йўли билангина Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ядровий муаммолар ҳал этилиши мумкин». Яқинда Карачида Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шундай деди. Унинг айтишича, Ҳиндистон ана шундай музокаралар ўтказиш ғоясини инкор этмоқда.

Беназир Бхутто Покистон ядро қуролларини тарқатмаслик тарафдори эканини эътироф этган ҳолда мамлакат ҳукумати «тинчлик мақсадларига йўналтирилган» ядровий синовлар дастурини рўёбга чиқаришдан воз кечмаслигини маълум қилди.

Покистон ва Ҳиндистон кўп вақтдан буён бир-биридан ядро қуролини яратаётганликда шубҳаланиб келади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ЎЗИМИЗНИНГ «МОРЖ» БОБО

ЁКИ ЎТТИЗ ЙИЛДАН БЕРИ СУВДАН «ЧИҚМАГАН» ҒУЗОРЛИК ЭРГАШ БОБО ҲАҚИДА СУҲБАТ-ҲИКОЯ



Ғалати-я! Сезиб турибман, ишонмадингиз. Қўл силтаб «лоф ҳам эви билан-да» деб юборарсиз. Майли, не десангиз денгу, лекин бу гаплар менга чин. Сизга ёлғон бўлса эшитинг:

ЎЗАРО СУҲБАТДАН:

— Эргаш ака ёшингиз неччида?

— Пайғамбар ёшига етдим. Бемалол бобо деяверинг. Тўғрисини айтсам, ака дейишса сал эриш туюляпти.

— Бобога ўхшамайсиз-да. Бир кўрган одам элликларга бориб қолгандир, деб ўйлайди.

— Иўғ-е, ошириб юборманг ўғлим. Ўғил уйладик, қиз чиқардик, неваралар кўп.

— Касбингиз нима?

— Ўқитувчилик. 43 йил муаллимлик қилдим. Асли мутахассислигим тил ва адабиётчи. Лекин...

— Ана шу лекин...ни сўрамоқчийдим. Айтишларича, анча йиллар спорт мактабида ишлаган экансиз. Ўзингиз тил-адабиётчи бўлиб спорт соҳасига қандай аралашиб қолдингиз?

Ҳамма гап ана шу саволдан бошланди. Эргаш бобо ўзининг ёшлик йиллари ҳақида шундай дейди:

— 1946—49 йиллари Бухорода техникумда ўқидим. Бўйим пакана, жуссам кичик эди. Спорт билан шуғуллана бошладим. Анча тўлишдим. Техникумни битириб институтга кирдим. Баскетболга жуда қизиқардим. У вақтлари ўзбеклар курашдан бошқа спорт турлари билан деярли шуғулланмасди. Орада анча қўлим келиб қолди. Институтимизнинг «Искра» командаси сафида ўйнардим. Анча кўзга кўриниб қолдик. 1954 йили СССР халқлари спартакиадасига Ўзбекистон терма командаси ҳам қатнашадиган бўлди. Кутилмаганда бизнинг командадан мени ва бир татар йигитни чақириб қолишди. Ўзим охирги курсда ўқиётгандим. Ўн кунлик синов машғулотлари ўтказиш учун Харьковга кетишимиз керак эди. Кейин катта мусобақага. Иўқ, айрим домлаларнинг ғаши келдими, менга «агар кетсанг бир йил курсдан қолдириб юборамиз» дейишди. Боролмадим. Жуда алам қилди. Чунки спорт усталигига номзод эдим-да. Бир поғона қолувди мастерликкача...

Эргаш ака институтни битиргач, Ғузорга қайтиб келиб мактабда муаллимлик қила бошлади. Барибир, спортга меҳри бўлакча экан-да, кўп ишлолмади. Спорт мактабига ўтиб кетди. Авval инструктор, кейин директорлик қилди. Шу орада жисмоний машғулотлар билан бирга совуқ сувда баданни чиниқтириш билан ҳам мунтазам шуғуллана бошлади.

Аввалига уйдагилари қойишди ҳам. «Нима қиласан, ота-бованг қилмаган ишни қилиб» дейишди. Баҳор-ёзни қўяверинг, кузу-қишнинг қировли кунларидаям саҳармардонда муздай сувга тушиб чўмиларди. Уйларининг ёнгинасидан катта ариқ тўлиб оқарди. Суви қуриб қолса ҳовлидаги ҳовузга тушиб чиқарди. Билган ҳам билмаган, ҳам ёқа ушлаб «бу одамга нима бўлган ўзи, юрак-пураги куйиб кетяптимикан ё» — деб қўярди.

Ўзи бўлса шундоқ изоҳ беради:

— Одамзот дунёда кимгадир суяниб яшайди. Биров худога, бошқа биров ота-онага, кимдир дўстига, яна кимдир пулга дегандай. Менинг суянчиқларим — аввало Аллоҳ таоло, кейин ота-онам, сўнгра аёлим, фарзандларим, ниҳоят сув. Сира ажабланманг. Одам ўрганиб қолса ёмон бўларкан. Буни мақтаниш учун ҳам айтмаяпман. Агар бирор кун совуқ сувга тушмасам, тамом, руҳан эзилиб юраман. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди. Шунча йил яшаб, худога минг қатла шукрки, ҳали дўхтирнинг уколини олмадим, ишхонамга касаллик варақаси кўтариб борганман.

— Уларнинг гапидаям жон бор. Терлаб сув ичиш ёмон. Лекин чиниқмаган танага ҳар қандай ҳаво таъсир қилади. Иссиқ ҳам, совуқ ҳам. Ишонасизми, мен 63 га кирибманки, ҳали бошимга телпак кийганим йўқ.

— Дўппи кийиб юрибсиз-ку?

— Қалпоқнинг йўриғи бошқа, болам. Бу совуқдан асрамайди. Аксинча иссиқдан сақлайди. Бунинг устига ўзбекмиз. Киймасак уят бўлади.

— Қиш барибир, қиш-да. Бошингиз оғримайдими?

— Йўқ, совуқ сувда чиниққанман. Яна бир нарса, пальтога ўхшаган қалинроқ, оғир кийим ҳам киёлмайман.

— Чопон оғирмасми, мана кийиб ўтирибсиз-ку!

— Кам кияман. Азамат ўғлим қўймади-да, расмга тушасиз, деб. Жемперларнинг, қўяверинг, ҳатто оёғимга қалинроқ жун пайпоқ кийгизмайди. Оёғим ёниб кетади. Кўрганлар кулмасин деб ноилож кийган гоҳо енгил пайпоқ кияман...

Эргаш бобо жуда меҳнаткаш. Ҳозир ҳам кун бўйи спорт мактабида ишлаб келадию, келибоқ томорқада ишлайди. Ер чопади, ток кўмади. Терлаб-пишиб кетмон чопади. Гап орасида гуруҳимиз полвонлар ҳақидаям бўлди.

— Қайси вилоятда каттароқ тўй бўлса, эшитсам бораман. Туркманистон, Сурхондарё, Самарқанд тарафларга ҳам кетаверaman. Болаларим «Ота, нима қиласиз шунча жойга овора бўлиб?» деб қойишади. Нима қилай, ишқивозлик қурсин. Хумори тутиб қолади. Туролмайман. Сизга бир воқеани айтиб берай. Бир замонлар Қудрат полвон (Тошев) ўтган. Алачан, Терян, Чехладзе, Коткандий мамлакатнинг манаман деган полвонлари билан беллашган. Халқаро кураш бўйича унга тенг келадигани йўқ эди. Бухоронинг Лабиҳовузида кураш бўлаяпти денг. Қудрат даврани бермай курашяпти. Одам-одамни танимайди. Оёқ қўйишга жой йўқ. Шунчалик қизиқиб кетганманки, ўтираверib-тураверib, оёқларим шилиниб кетган. Ҳеч нарсани сезмабман.

Ҳозирги полвонлар орасида ҳам кучлилари кўп. Мана, шаҳрисабзлик Қодир полвонни олинг. Унга тан бераман. Жуда содда ва камтарин. Ҳалол олишади. Энг қизиғи, у ётибмас, тикка курашади. Кейин Ғузордан Баҳром полвон (Авазов) бор. Кучли. Исмоил бор. Зўрдан зўр кўп-да. Буларнинг усули кучли. Илгарилари кучи кўп бўлса йиқитарди. Бугун эса илми зўр бўлса енгади.

Эргаш аканинг ҳақиқий, фидойи мухлислигини сезиб, куйиниб айтган гапларини эшитиб туриб ўзимни ҳам анчадан бери қийнаб келаётган саволни бердим:

— Эсингизда бўлса қўш чемпионлик ҳақида ўтган йиллари гап бўлувди. Футболда иккита команда — ҳам «Пахтакор», ҳам «Нефтчи» (ҳайрият бу йил биттаси чемпион бўлди) Ўзбекистон чемпиони деб эълон қилинувди. Курашда ҳам шундай бўлганди. Майдонга иккита зўр чиқса барибир истанг-истаманг биттаси енгади-да?

— Қодир билан Эрали полвонларни айтаяпсиз-да. Тўғри, иккисиям зўрликка зўр. Гап йўқ. Ахир, қайси бир ўзбекнинг курашли тўйида ҳалол йиқитмаган полвон ғолиб деб эълон қилинган? Балки, баковулнинг ноҳалоллиги туфайли айримларида шундай воқеалар бўлгандир. Аммо полвон ҳалол олишиши керак. Ўзидан зўр бўлса қўл ташлаб чиқиб кетади. Оддий мисол: кўпкарини олинг. Буям ўзимизники. Борингки, икки юзта от кирса шундан кўпи билан 5—10 таси улоқчи бўлади. Шуларнинг орасидан ҳам битта-иккитаси зот олади. Полвонлар дунёсидаям шундай темир қонунлар бор. Ким кучли бўлса ҳалоли бўлсин. Ғирромлик уларга ярашмайди. Йиқилган курашга тўймайди, дегани у бекор гап.

Айрим тўйларда кўраман, иккита номдор полвон тушиб қолса, баковуллар уларнинг юзидан ўтолмай ҳурмат-обрўси тўкилмасин деб зотни, товоқни бўлиб беради. Полвон зот, пул учун даврага чиқадими ё ор-номус учунми? Шунинг учун менинг жавобим битта: Кураша қўш чемпионлик кетмайди. Халқимизнинг минг йиллик удумлари бор. Уларни бузмайлик. Полвонлар иймонли бўлсин. Ана шунда ризқиям, давлатиям бутун бўлади.

Гурунгимиз тугаб бораётганди. Шунча дардлашиб ўтириб сезмабман. Хайрлашаётганимизда Эргаш бобонинг ўзи айтиб қолди: «Ҳар-ҳар замонда шеърлар ҳам машқ қиламан. Ўзимча, кўнглим учун ёзаман-да...» Кейин каттакон дафтарни варақлайман.

Гарчи қайтарсалар
умримни ортга,
Десаларки шоҳ бўл,
яша, шоҳона.
Ва ёки миндириб учқур
бир отга,
Самони қучавер,
сенга ҳавола.
Илтижо қилардим
Аллоҳ таолога,
Ёлвориб сўрардим
дардим давосин.
Тангрим, насиб айла,
мен — мубталога,
Ёлғиз умидларим —
илм гадоси.
Ундан кўргайдурман
хайру-эҳсонни,
Ҳидоят топгайдур
эзгу иймоним.
Англаб ололсам гар
комил инсонни,
Шулдир топган дуним
жону-жаҳоним...

У киши ҳижолат аралаш қўшиб қўяди: «гоҳо кўнгил хуш бўлганда бир нарсалар ёзгим келади. Ҳеч кимга кўрсатмайман. Ўзим ўқийман...» Гарчи бу қораламаларни етук шеърлар деб бўлмаса-да, барибир суюнасан киши. Шунча ташвишлардан ортиб кўнглини яна сездирмайгина қоғозга тўкиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Хуллас, Эргаш бобо Бозоров ана шундай одам. Ҳам спортчи, ҳам шоиртабиат. Эътиқоди бутун инсон. Китобларни яхши кўради. Уйининг тўрида Қозон шаҳрида чоп этилган муқаддас Қуръони каримнинг нусхаси. Икки тилдаям бемалол мутолаа қила олади. Доим элнинг орасида. Яхши-ёмон кунларда ёр-дўстлари билан бирга.


Энг қувончлиси, фарзандларим эл-юртнинг назарига тушган болалар. Катта ўғли Эркин «Шўртангаз»да масъул лавозимда. Зулфияхон эса муҳандис-иқтисодчи. Рустам тиш дўхтири. Азамат ҳам полвон, ҳам қўли гул ошпаз. Юнусжон эса ўтган йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битириб, ҳозир Қаршида — дорилфунунда ишлаяпти. Спортчи. Каратэ-до билан мунтазам шуғулланади. Ҳам инструктор. Алфияхон эса ҳисобчи.

...Бу ёғи кунлар анча совиб қолди. Ташқарида эса қор ёғаяпти. Эргаш бобога ҳазилашаман.

— Қорни қаранг. Энди ерлар музлаб қолса, нима қиласиз?

— Қорнинг ўзиям етиб ортади. Баданга ишқалаб-ишқалаб бир ҳуморидан чиқамиз-да, болам, — деб қўйди кулиб.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»нинг
махсус мухбири.
Қашқадарё вилояти.



Спортчининг орзуси.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

САМО ПИЁДАЛАРИ

● Қаердаки ўрнатилган дор ва қувноқ томошаларга чорловчи доиралар жаранги янграр экан, мухлислар шу ерда гавжум.

Ўзбек миллий санъатининг ажралмас қисми бўлган дорбозлик халқимизнинг энг севимли томошаларидан бири бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам дорбозлар ўйини катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Республикамизнинг турли вилоятларида ўзларининг ҳайратомуз томошалари билан мухлислар эътиборини қозониб келаётган «Қўқон минори» дорбозлар гуруҳи Қўқон шаҳрида янги томошаларини намойиш эта бошладилар. «Осмон пиёдалари» деб номланган янги дастурда дорбозларнинг нақадар моҳирлик билан ижро этган томошаларининг гувоҳи бўласиз.

• *Маданият хабарлари*

ЭНГ ЯНГИ ЭРТАК

● Болаларнинг севимли машғулотларидан бири эртак тинглаш бўлса, бу эртакларнинг саҳнада жонланиши эса кичкинтойларга бир олам қувонч бағишлайди.

Миробод туманидаги Маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Кўнғироқча» қўғирчоқ театр студияси янги саҳналаштирилган «Уч оғайни ботирлар» спектаклини тумандаги болалар боғчасида намойиш эта бошлади.

Спектакль режиссёри Раиса Сокольская болаларга ўрнак бўларли, уларнинг дунёқарашини янада кенгайтирувчи, ўзбек халқининг донолиги, топқирлиги акс этган саҳнавий кўринишларга катта эътибор берган. Асосий ролларни ҳаваскор қўғирчоқбозлардан М. Буянова, Н. Гребанова, З. Тоҳирова, М. Асадуллаевлар маҳорат билан ижро этмоқдалар.

БУ АЖИБ НАВОЛАР

● Бугунги кунда миллий қадриятларимиз тикланаётган, урф-одатларимиз янада чирой очаётган дамларда ота-боболаримиз ижро этган қадимий куй ва қўшиқлар қайта тикланиб, концерт томошаларига жозиба олиб кирмоқда.

Қашқа воҳасининг Чироқчи тумани маданият уйида ташкил этилган «Уфори» фольклор дастаси ҳам воҳанинг қадимий куй ва тароналарини қайта тиклаб, ўз дастурларини бойитиб, халқ олқишига сазовор бўлаётган жамоалардан ҳисобланади. Куни-кеча ижодий жамоа Анора Абдиева сценарийси асосида саҳналаштирилган «Бу ажиб наволар» деб номланган янги дастурни томошабинлар ҳукмига ҳаво а этди. Қашқадарё вилоятининг миллий урф-одатлари, ўлан ва яллалари, айтишувларидан ташкил топган қизиқарли томоша санъат ишқибозларини мамнун этди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

СПОРТ

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

● Чирчиқлик Михаил Салтаев халқаро гроссмейстер талабини бажарди.

У Грецияда ўтказилган халқаро мусобақада ана шундай унвонга сазовор бўлди. Энди республикамизда халқаро гроссмейстерлар сафи тўрттага, халқаро мастерлар эса еттитага етди. Самарқандлик Тоҳир Воҳидов билан тошкентлик Дмитрий Қаюмов шу кунларда Челябинск шаҳрида ўтказилаётган халқаро мусобақада ана шундай юксак унвонга сазовор бўлиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

● Иқтидорли футболчи, моҳир пахтакорчи Миржалол Қосимов мамлакатимиз энг яхши футболчиси номига сазовор бўлди.

Республика спорт журналистлари ўртасида йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш бўйича ўтказилган сўровларга берилган жавобларга кўра Миржалол ҳаммадан кўп — 115 овоз олди.

ҚИЗЛАР ҲАМ БЎШ КЕЛИШМАДИ

● Самбочи йигитларимиз Омск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғалаба қозонишганди. Мамлакатимиз самбочи қизлари ҳам йигитлардан қолишмай, биринчи ўринни эгаллашди.

Қизларимиз еттита олтин, бешта кумуш, ўнта бронза медалларига эга бўлиб Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон жамоаларидан ўзиб кетишди.

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПГАН ИНСОН

Бахмалга келган меҳмон Абдувоҳид Усанов номли давлат хўжалигига бормаса, туманда бўлмади ҳисоб.

Абдувоҳид Усанов... Бу ном мамлакатимиздаги минглаб чорвадор, қишлоқ хўжалиги ходимининг қалбида муҳрланиб қолган бўлса ажабмас. Зеро, унинг ҳаёти мазмуни ҳам шуни тақозо этади. У ана шу хўжаликка директор бўлиб келганида бу ерлар тап-тақир дала, бирон дов-дарахт йўқ эди. Қарийб чорак аср, умрининг сўнгги кунлари — 1991 йилнинг августигача хўжаликни бошқарди. Кези келганда даладан бери келмади. Ишни қойиллатганни рағбатлантирди. Лозим бўлса ҳатто ишдан бўшатарди. Лекин ҳеч ким уни сиз ноҳақсиз, демасди.

У кишининг умр йўлдоши Ҳалима опа билан анча суҳбатлашдим. Бугун ҳам уни сўрайдиган кўп экан. Абдувоҳид акадан эсдалик қолган альбомни кўрсатди. Ундан бир неча сурат сўраб олдим. Ҳалима опа хўжаликдаги фаровонлик, тўкинчилик, ишнинг барорини кечаги меҳнатнинг меваси, деб атади.

Олтмишинчи йилларни эсласак, турғунлик даври тўғрисида гап бошлашимиз тайин. Аммо айтиш жоизки, маъмурчиликка эришиш ўша пайт ҳам кун тартибида бўлган. Айниқса, халқни гўшт билан таъминлаш юзасидан қилинган ишлар самараси бугун ҳам кўз ўнгимизда.

1967 йилда Иттифоқда махсус иқлимли ҳудудлар назардан ўтказилди. Мақсад чет мамлакатларнинг зотдор молларини олиб келиш эди. Қорақалпоғистон Автоном республикаси ҳудудига Америкадан Санта гертруда зотли молларни келтириш мўлжалланганди. Мақсад — бу зотли молларни шу табиий иқлимга мослаб кўпайтириш эди. Аммо мутахассислар Қорақалпоғистондан кўнгиллари тўлмай қайтишди. Чунки биргина иқлим масалани еча олмасди. Мавжуд шароит Америка молларини парвариш қилиш учун қаноатланарли эмасди. Мутахассислар энди янги жой қидира бошладилар.

Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан келган меҳмонни «Бахмал» давлат хўжалиги директори Абдувоҳид Усанов мамнуният билан кутиб олди. Уни табиий шароит, ферма ва яйловлар, чорвадорларнинг турмуш тарзи билан таништирди. Худди келишилганидек, ўша вақтда янги қулай ва кенг молхона ҳам қуриб битказилиши арафасида эди. В. Кондрашин бу баҳаво ҳудудда уч-тўрт кун юриб бир фикрга келди. Унга бу ер маъқул бўлганди. Орадан олти ой ўтар-ўтмас хўжалик Санта-гертруда зотли узоқ уммон ортидан келтирилган қорамолларни қабул қилди.

• Ёднома •

Чорвадорлар бу масъулиятни ўз зиммаларига олишар экан, энди қишлоқ хўжалиги соҳасидаги катта-катта идоралар, мутасаддиларнинг кўзи шу ерда эди — масала аҳамиятли, мақсад муҳим эди. «Сантак» — зотли қорамол. Кўпгина жиҳатлари унинг Ўзбекистон чорвачилиги ривожида катта ўзгаришлр ясашига имкон беради.

Аввало бу зотдор моллар қон касаллигига чидамлилиги билан ажралиб туради. Қон касаллиги эса бугун ҳам қорамоллар парваришида катта тўсиқлардан бири. Қолаверса, «Сантак»нинг озуқа танламаслигини айтмайсизми?

Тажрибалар шуни кўрсатдики, эндигина туғилган бузоқ ўртача 40, бир ярим ёшга етгач эса 600 килограмм вазнга эга бўлар экан.

Хўжаликда молларни маҳаллий шароитга мослаш, янги насллар яратиш ишига қизғин киришилди. Кўп ўтмай, Бахмалнинг наслдор моллари жумҳуриятнинг вилоятларига жўнатила бошланди.

Абдувоҳид ака ташаббуси билан хўжаликда тажриба маркази вужудга келди. Моллардаги ҳар бир ўзгариш чуқур ўрганиб борилди. Яна шу ерлик билимдон чорвадор, молбоқарлар тажрибаси асқотди. Абдувоҳид ака уларни жалб этди. Дарвоқе, қишлоқ хўжалигида суяги қотган марҳум чорвадор Неъмат Назаров, Маматқул Қўнишевлар бу савобли ишларга ҳисса қўшдилар. Хуллас, директор, унинг сафдош ва издошларининг самарали меҳнатлари боис натижалар қувончли бўлди. Ишонч оқланди.

Ойқор тоғ тизмаларига туташган «Ойқор» давлат хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Бахмалнинг етти иқлимга донғи кетган олмалари шу ерда етиштирилади. Йўлнинг икки томони ҳам олмазор. Бу ерлик ишбилармон боғбонларнинг бой тажрибалари билан ўзга жойларда йил аро ҳосилга кирадиган олмалар «Ойқор»да ҳар йили қийғос гуллайди. Ойқорликлар бу боғларни ҳам Абдувоҳид аканинг номи билан боғлашади.

Бундан қарийб чорак аср илгари Шароф ота билан суҳбатда А. Усанов ушбу ҳудудда боғдорчилик хўжалиги очиш ҳақида маслаҳат солган ва бу ишда баконидил ёрдам қилишни зиммасига олган экан. Совхозга яхши ният билан «Ойқор» деб ном берилди. Олмазорларни яратишда эса ваъдасига биноан Абдувоҳид ака бош-қош бўлган. Ҳа, «Яхшидан боғ қолади», деб бежиз айтмас эканлар. Абдувоҳид аканинг боғи ҳар йили қийғос гуллайди. Ундан биргина бу боғ қолмади. Бахмалнинг бахти бўлган бу инсоннинг мероси — ундан қолган тажриба, издошлар, фарзандларига қолдирган эзгулик, меҳнатсеварлик. Зеро, бугун 50 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган бахмалликлар ичида ундай бўлишга, унингдек яшашга интилганлар кам эмас.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»


Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4,44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624. Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

●Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—635. № 229. топширилди — 23.30.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ. Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИММИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.